# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

**13-сон (253) 2007 й. март**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

## МУНДАРИЖА

*Иккинчи бўлим*

115. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 22 мартдаги ПҚ–607-сон қарори

116. «Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ноқонуний фаолиятнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 мартдаги ПҚ–608-сон қарори

*Учинчи бўлим*

117. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил департаментлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 мартдаги 56-сон қарори

118. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси корхоналарининг давлатга қарашли акциялари пакетларини хусусий мулк этиб сотиш тўғрисида» 2006 йил 3 июлдаги ПҚ—396-сон қарори бажарилишини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 мартдаги 57-сон қарори

119. «Халқ таълими муассасаларининг молиявий-иқтисодий таъминотини такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30 мартдаги 63-сон қарори

***Бешинчи бўлим***

120. «Элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш хуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги буйруққа ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2007 йил 1 мартдаги 54-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 24 мартда 1551-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

121. «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган алоҳида турдаги товарлар учун акциз солиғи тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 18 январдаги 8, 01-02/8-5-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 26 мартда 1101-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

122. «Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 23 февралдаги 24, 2007-20-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 26 мартда 1109-7-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

123. «Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2007 йил 9 мартдаги 8/5-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 26 мартда 1648-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

124. «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 6 мартдаги 28, 2007-24-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 28 мартда 1325-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

125. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган истеъмол товарларининг рўйхатига қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлигининг 2007 йил 15 мартдаги 15, ЭГ-01/19-1254, 01-02/8-8, 32-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 28 мартда 1242-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

126. «Ўсимлик (пахта) ёғи учун тўланадиган акциз солиғининг бир қисмини Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасининг махсус ҳисобварағига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 6 мартдаги 27, 2007-23-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 28 мартда 1666-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

127. «Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 28 февралдаги 26, 2007-22-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 28 мартда 1667-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

128. «Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, Молия вазирлигининг 2007 йил 12 февралдаги 01/12-18/03, 20-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 28 мартда 1668-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2007 йил 24 мартдан 30 мартгача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### 115 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 12 мартдаги ПҚ–601-сонли қарорига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини мақбуллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари бўйича ўринбосари лавозими тугатилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тузилмасига қуйидаги лавозимлар киритилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг машинасозлик, металлургия, геология, минерал хом ашё қазиб олиш ва қайта ишлашни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ёқилғи-энергетика комплекси, кимё ва нефть-кимё саноати масалалари бўйича ўринбосари.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг янги ижро этувчи тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил департаментига янги киритилган шўъба мудири лавозимига Ягона тариф сеткаси бўйича 18-разрядли иш ҳақи белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2005 йил 25 июлдаги ПҚ–131-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йирик инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бюросини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 3 апрелдаги ПҚ–316-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёқилғи-энергетика комплекси, металлургия, машинасозлик ва кимё масалалари ахборот-таҳлил департаменти тузилмаси тўғрисида» 2006 йил 30 майдаги ПҚ–358-сонли қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 22 март,
ПҚ–607-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2007 йил 22 мартдаги
ПҚ–607-сон қарорига
ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмаси




Жами — 185 киши, шулардан:
масъул ходимлар — 147 киши;
техник ходимлар — 38 киши.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# 116 Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ноқонуний фаолиятнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида

Республикада мустақиллик йилларида демократик, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнларини чуқурлаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Маънавияти камол топган ва жисмонан соғлом ёш авлодни энг яхши халқ анъаналари, миллий маданиятимиз, умуминсоний маънавий-ахлоқий бойликлар ҳамда жаҳон цивилизациясининг замонавий ютуқлари асосида тарбиялаш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Шунинг учун ҳам қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, қимор бизнеси ривожланишининг салбий оқибатларидан огоҳлантириш масалалари долзарб аҳамиятга эгадир.

Кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан, миллий урф-одатларимиз ва аҳолининг менталитетига ёт бўлган қимор ўйинларини ноқонуний равишда ташкил этиш ҳолатларининг учраши давом этмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ўсмирлар ва ёшларни жалб этувчи яширин қиморхоналарни ташкил этиш фактлари аниқланмоқда.

Мазкур соҳанинг давлат томонидан тартибга солинишини янада такомиллаштириш, аҳоли, айниқса, ўсмирлар ва ёшлар маънавиятини муҳофаза қилиш, уларнинг қимор ўйинларига жалб этилишига қарши ҳаракат қилиш, таваккалчиликка асосланган ўйинлар ташкилотчиларининг жавобгарлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М. Мирзиёев) икки ой муддатда:

жойларга чиқиш орқали ўйин автоматлари залларини ташкил қилишда жорий этилган тақиқлашларга амал қилиш, шунингдек ғараз мақсадларни кўзловчи ҳамда ўсмирлар ва ёшларни шундай ўйинларга жалб этувчи ноқонуний қимор ўйинлари ташкилотчиларини жавобгарликка тортишга алоҳида эътибор берган ҳолда таваккалчиликка асосланган ўйинларни ўтказиш соҳасини тартибга солувчи Ҳукумат томонидан аввал қабул қилинган қарорларнинг ижроси устидан текширувни амалга оширсин;

текширувлар натижаси бўйича қуйидаги соҳада норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга ва ноқонуний қимор ўйинларини ташкил қилиш шароитларини бартараф этишга йўналтирилган тегишли қарорларни қабул қилсин. Бунда шундай ўйинларни ноқонуний равишда ташкил этиш ва ўтказиш, қиморхоналарни ушлаб туриш учун жавобгарликни кучайтириш назарда тутилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (Б. Матлюбов), Давлат солиқ қўмитаси (Б. Парпиев), Молия вазирлиги (Р. Азимов), Бош прокуратураси (Р. Қодиров) тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда яширин қимор ўйинлари ташкил этиш ҳамда уларни ўтказиш учун қиморхоналарни ушлаб туриш ҳаракатларининг қатъий олдини олиш ва чек қўйиш, шунингдек ушбу ўйинлар ташкилотчиларининг ноқонуний фаолиятини тўхтатиш устидан амалий назоратни таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари, фуқароларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари) «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ноҳукумат

жамоатчилик ташкилотлари билан биргаликда аҳоли орасида, айниқса, ўсмирлар ва ёшлар орасида қимор ўйинларини ноқонуний ташкил этиш ва ўтказишнинг олдини олиш ҳамда чек қўйиш бўйича тарбиявий-тушунтириш ишларини кучайтирсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари зиммасига шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, салбий оқибатларнинг олдини олишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда мувофиқлаштириш ишлари устидан шахсий жавобгарлик юклансин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Э. Набиев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 28 март,
ПҚ–608-сон

# УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 117 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил департаментлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 12 мартдаги ПҚ–601-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Машинасозлик, металлургия, геология, минерал хом ашё қазиб олиш ва қайта ишлашни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё ва нефть-кимё саноати масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари Р.В. Абдуқодиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 22 март,
56-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 22 мартдаги 56-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Машинасозлик, металлургия, геология, минерал хом ашё қазиб олиш ва қайта ишлашни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисида**
**НИЗОМ**

## I. Умумий қоидалар

1. Машинасозлик, металлургия, геология, минерал хом ашё қазиб олиш ва қайта ишлашни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 мартдаги ПҚ–601-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Департаментнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини, унинг Президиумини, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси Аппаратини металлургия ва қимматбаҳо металлар; минерал хом ашёни қидириш, қазиб олиш ва қайта ишлаш; машинасозлик ва электротехника саноати; сафарбарлик ва давлат захиралари; стандартлаштириш ва метрология масалалари бўйича ахборот-таҳлилий материаллар билан таъминлашга йўналтирилган.

3. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

4. Департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида амалга оширади.

Департамент ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарига, ташкилий масалалар ва ижро интизоми масалалари бўйича эса — Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига бўйсунади.

5. Департамент ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

## II. Департаментнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

*а) металлургия ва қимматбаҳо металлар соҳасида:*

кон-металлургия корхоналарини ривожлантириш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

кон-металлургия корхоналарининг ишлаб чиқариш, лойиҳа-қидирув ва хўжалик фаолиятини тизимли, комплекс ўрганишни ташкил этиш;

металл парчаларини тайёрлаш, қора металлар прокатини ишлаб чиқариш ва ишлатиш, қимматбаҳо металларга давлат буюртмаси энг муҳим моддий балансларининг ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилишини ҳамда келишиб олинишини ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

кон-металлургия ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг илмий-техник даражасини ошириш, тармоқ корхоналарини модернизация қилиш, техника ва технология билан қайта жиҳозлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, кўрсатиб ўтилган вазифаларни ҳал этиш учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш;

кон-металлургия саноати корхоналарида фойдаланиладиган бутловчи буюмлар ва деталлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилишини ташкил этиш, тармоқ корхоналари учун сотиб олинадиган асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, хом ашё ва материаллар импортини мақбуллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

республиканинг кон-металлургия саноати корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларига потенциал инвесторларни жалб этишни чуқур ўрганиш ва эксперт баҳолаш;

металлургия ва қимматбаҳо металлар соҳасида қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши устидан назоратни таъминлаш;

металлургия тармоғи маҳсулотларининг ички ва жаҳон бозорларига кириб боришини тадқиқ ва таҳлил қилишни ташкил этиш;

*б) минерал хом ашёни қидириш, қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида:*

геология, кон қазиб олиш ва қайта ишлаш корхоналарини ривожлантириш ҳамда уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

геология, кон қазиб олиш ва қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш, лойиҳа-қидирув ва хўжалик фаолиятини тизимли, комплекс ўрганишни ташкил этиш;

кон қазиб олиш ва қайта ишлаш корхоналарини ривожлантиришнинг илмий-техник даражасини ошириш, геология-қидирув ишларини ўтказиш ҳамда минерал-хом ашё базасини кенгайтириш, тармоқ корхоналарини модернизация қилиш, техника ва технология билан қайта жиҳозлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, кўрсатиб ўтилган вазифаларни ҳал этиш учун хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш;

геологик-қидирув, минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида мақсадли дастурларни, инвестиция лойиҳаларини, маҳсулот тақсимотига оид битимлар лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан қарорлар қабул қилиш учун экспертиза ўтказиш ва тавсиялар тайёрлаш;

республиканинг кон қазиб олиш ва қайта ишлаш саноати корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларига потенциал инвесторларни жалб этишни чуқур ўрганиш ва эксперт баҳолаш;

геология тармоғи, кон қазиб олиш ва қайта ишлаш саноати корхоналарида фойдаланиладиган бутловчи буюмлар ва деталлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилишини ташкил этиш, тармоқ корхоналари учун сотиб олинадиган асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, хом ашё ва материаллар импортини мақбуллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

уранни қазиб олиш ва қайта ишлаш, уран маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш, шу жумладан уни жаҳон бозорида сотиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

геологик ўрганиш, ноёб, рангли, камёб ер металлари ва уранни, шунингдек чучук ва минерал ер ости сувларини ҳамда фойдали қазилмаларнинг бошқа турларини қидириш ва разведка қилиш самарадорлигини оширишни, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, минерал-хом ашё базасини қайта кўпайтиришни таъминлайдиган геология-қидирув ишларини сифатли прогноз қилиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, кон муносабатлари соҳасида давлат бошқарувини амалга ошириш;

геология, геология-қидирув ишлари дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижроси устидан назоратни ташкил этиш;

геология, кон қазиб олиш ва қайта ишлаш тармоқлари учун, ушбу соҳадаги илғор тажрибадан фойдаланган ҳолда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш мониторингини амалга ошириш, шунингдек республика олий ва ўрта махсус ўқув юртларида кадрлар тайёрлаш йўналишлари бўйича таклифларни таҳлил қилиш;

*в) машинасозлик ва электротехника саноати соҳасида:*

машинасозлик ва электротехника саноати корхоналарини ривожлантириш ҳамда уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

республиканинг машинасозлик ва электротехника саноатининг ишлаб чиқариш, лойиҳа-қидирув ва хўжалик фаолиятини тизимли, комплекс ўрганишни ташкил этиш;

машинасозлик ва электротехника саноати корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларига потенциал инвесторларини жалб этишни чуқур ўрганиш ва эксперт баҳолаш;

машинасозлик ва электротехника саноати корхоналарида фойдаланиладиган бутловчи буюмлар ва деталлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилишини ташкил этиш, кўрсатиб ўтилган тармоқ корхоналари учун сотиб олинадиган асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, хом ашё ва материаллар импортини мақбуллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда машинасозлик ва электротехника саноати корхоналарини барқарор ривожлантиришнинг истиқболли стратегияси ишлаб чиқилишини таъминлаш;

машинасозлик ва электротехника саноатини ривожлантириш соҳасида қабул қилинган қарорлар амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш;

тадқиқотлар ўтказиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошли маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ишларини мувофиқлаштириш, уларни жаҳон бозорларига киритиш;

*г) сафарбарлик ва давлат захиралари соҳасида:*

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, иқтисодиёт тармоқларининг сафарбарлик ва давлат захираларини жамлаш масалаларига тайёрлигини тизимли ўрганиш ва ҳолатини таҳлил этиш;

давлат стратегик ва сафарбарлик захираларидан олинган товарлар ва маҳсулотларнинг сифат ва миқдор жиҳатидан сақланишини ва ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш бўйича мониторинг олиб борилишини ва ишларнинг аҳволи таҳлил этилишини таъминлаш;

сафарбарлик ва давлат захиралари масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан бажарилишини назорат қилиш;

давлат стратегик ва сафарбарлик захиралари шакллантирилишини, шу жумладан уларнинг тўпланиши, сақланиши ва янгиланишини, шунингдек давлат стратегик ва сафарбарлик захираларидан белгиланган тартибда тезкор фойдаланишга доимий тайёрликни таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳарбий-саноат комиссия-

си қарорларини бажариш ишлари мувофиқлаштирилиши ва назорат қилинишини таъминлаш;

*д) стандартлаштириш ва метрология соҳасида:*

стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш (мувофиқликни баҳолаш) тизимларининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш, шунингдек уларни хорижий мамлакатларнинг халқаро ва миллий тизимлари билан уйғунлаштиришнинг аҳволи масалалари бўйича тизимли ва комплекс мониторингни ташкил этиш;

стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш (мувофиқликни баҳолаш) соҳасида ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, халқаро стандартларни қўллаш асосида, шу жумладан сифатни бошқариш тизими бўйича маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлилигини оширишни таҳлил этиш ва улар бўйича таклифлар тайёрлаш;

«Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини ҳамда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш (мувофиқликни баҳолаш) соҳасидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда рўёбга чиқарилишини таъминлаш бўйича мониторинг олиб бориш ва ишларни мувофиқлаштириш;

стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш (мувофиқликни баҳолаш) соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалалари бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

экспорт ва импорт қилинаётган товарлар сифатини юклаб жўнатишдан ҳамда туширишдан олдин текшириш билан боғлиқ эксперт баҳолаш тизимини ривожлантиришни таҳлил қилиш ва мувофиқлаштириш.

7. Департамент ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ўзи юритадиган соҳага кирадиган масалалар бўйича ахборотларни тўплайди ва умумлаштиради;

иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида ва ҳудудларда ишларнинг аҳволини ўрганади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Бош вазирнинг ўринбосари учун тегишли материалларни тайёрлайди;

тегишли тармоқларни ривожлантириш, шунингдек тегишли тармоқларда ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурларини, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва янада такомиллаштириш дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш мониторингини олиб боради;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари топшириқларининг ижросини назорат қилади;

тегишли тармоқлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилишини, уларнинг мунтазам равишда янгиланишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг кўриб чиқиши учун таҳлилий, маълумотнома материаллар ва бошқа материалларни, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқлари лойиҳаларини тайёрлайди;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари,

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа ҳужжатлар лойиҳалари экспертизасини амалга оширади ва уларни ишлаб чиқади, улар юзасидан зарур таҳлилий ва маълумотнома материаллар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишларга материаллар тайёрлашда ва уларда қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда қатнашади;

материалларнинг комплекслилиги ҳамда уларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашнинг сифати, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарларининг топшириқлари лойиҳаларининг давлат ва хўжалик бошқарувининг манфаатдор органлари, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари билан келишилиши учун жавоб беради;

ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ давлат ва хўжалик бошқарувининг мутасаддилик қилинадиган органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

ўзи юритадиган масалалар бўйича ҳукуматлараро битимларни тайёрлашда қатнашади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари бошчилик қиладиган тегишли Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар иши самарадорлигини таъминлайди, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлайди, кўриб чиқиш ва чора-тадбирлар кўриш учун ушбу мурожаатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборади, уларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қилади, фуқароларни шахсан қабул қилишни амалга оширади;

ўзига юкланган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

## III. Департаментнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Департамент ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

мутасаддилик қилинадиган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органларининг коллегиал органлари мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, Бош вазир ўринбосарининг топшириғига биноан эса — давлат бошқа органларининг, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг Департамент юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган мажлислари ва йиғилишларида қатнашиш;

зарурат бўлганда Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни иш-

лаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини белгиланган тартибда жалб этиш, тегишли масалалар бўйича вақтинчалик ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

зарурат бўлганда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартиби талаблари бузилган ҳолда тушган ҳужжатларни қайтариб юбориш.

Департаментнинг зарур материаллар, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш бўйича талаблари, агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарларининг ва Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топшириқларида бажаришнинг бошқа муддатлари белгиланмаган бўлса, Департамент белгилаган муддатларда бажарилиши керак.

9. Департамент:

ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифлар ва масалаларни эксперт жиҳатидан сифатли ишлаб чиқишнинг ташкил этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Ҳукумат қарорлари, фармойишларининг, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти топшириқларининг мутасаддилик қилинадиган идоралар томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилиши таъминланиши учун;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизоми мустаҳкамланиши учун жавоб беради.

### IV. Департаментнинг тузилмаси

10. Департаментнинг тузилмасига Департамент мудири, металлургия ва қимматбаҳо металлар; минерал хом ашёни қидириш, қазиб олиш ва қайта ишлаш; машинасозлик ва электротехника масалалари бўйича шўъбалар, сафарбарлик ва давлат захиралари масалалари бўйича бош ва етакчи мутахассис, стандартлаштириш ва метрология масалалари бўйича бош мутахассис, шунингдек инспектор киради. Шўъба таркибига шўъба мудири, бош ва етакчи мутахассислар киради.

Департамент тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

11. Департамент ишларига мудир раҳбарлик қилади.

12. Департамент мудири, шўъба мудирлари ва мутахассислари белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

### V. Департамент фаолиятини ташкил этиш

13. Департамент ишлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига, ушбу Низомга, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида иш юритиш бўйича Йўриқномага, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарларининг топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар

Маҳкамасининг иш режалари, Департаментнинг иш режалари, Департамент мудири, шўъба мудирлари ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади.

Департаментнинг иш режалари, Департамент мудирининг ва шўъба мудирларининг шахсий иш режалари Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилади ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Мутахассисларнинг шахсий иш режалари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари билан келишилади ва Департамент мудири томонидан тасдиқланади.

14. Департамент мудири:

Департаментга бевосита раҳбарликни амалга оширади, шўъба мудирлари ва мутахассислар ишини ташкил қилади, Департаментга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши ҳамда ижро интизомининг аҳволи учун шахсан жавоб беради;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Департамент юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ҳужжатлар лойиҳаларини ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқади, мазкур лойиҳаларга розилик беради ҳамда улар юзасидан эксперт хулосаларни имзолайди;

Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан Департамент юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамасига давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан тушган, Вазирлар Маҳкамасининг қарорини талаб қилмайдиган ҳужжатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига кўриб чиқиш учун юборади;

Департамент мутахассислари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида амалда бўлган Йўриқномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Департамент ишларини такомиллаштириш, ходимларнинг иш малакасини ошириш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Департамент мутахассисларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш тўғрисидаги, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда уларга танбеҳ бериш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилган таклифларни Бош вазирнинг тегишли ўринбосарига тақдим этади.

15. Департамент мудири вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосари томонидан белгиланадиган Департаментнинг шўъба мудирларидан бири бажаради.

16. Шўъба мудири:

тегишли мутахассисларга бевосита раҳбарликни амалга оширади ҳамда шўъбага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши, ижро интизомининг аҳволи учун шахсан жавоб беради;

ўзига бириктирилган масалалар бўйича материалларнинг ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил этади, топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлайди;

тегишли тармоқлар бўйича маълумотларнинг туркумланган базаси яратилиши ва юритилишини, уларнинг мунтазам равишда янгилаб борилишини назорат қилади;

материаллар тўғрисида Департамент мудирига, Бош вазир ўринбосарига, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбарига ахборот беради;

ислоҳотларни чуқурлаштириш, янада ривожлантириш, шунингдек тегишли тармоқлар масалалари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва Департамент мудирига тақдим этади;

ўзи юритадиган соҳага кирадиган масалалар бўйича ўтказиладиган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек тайёрланаётган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказади;

Департамент мудирининг топшириғига кўра чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Департамент мудирига тегишли мутахассислар ўртасида вазифаларни тақсимлаш бўйича таклифлар киритади;

Департамент мудирига мутахассисларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда уларга танбеҳ бериш тўғрисида таклифлар тақдим этади.

17. Шўъба мудири вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Департамент мудири белгилайдиган шўъба бош мутахассисларидан бири бажаради.

18. Бош мутахассис:

ўзига биркитилган масалалар бўйича материалларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, материалларнинг ўз вақтида тайёрланиши, сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

ишлаб чиқилаётган қарорлар лойиҳаларини амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини эксперт баҳолашни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарларининг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан бажарилишини назорат қилади;

тегишли тармоқ бўйича туркумланган маълумотлар базасини яратишни ва юритишни, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил қилади;

материаллар тўғрисида шўъба мудирига, Департамент мудирига, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига ва Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбарига ахборот беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганади, ўзига биркитилган масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради, зарур таҳлилий материалларни, прогнозлар ва эксперт хулосаларни тайёрлайди;

ислоҳотларни чуқурлаштириш, янада ривожлантириш, шунингдек иқтисодиётнинг тегишли тармоқларидаги ва ҳудудлардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва шўъба мудирига, Департамент мудирига тақдим этади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек тайёрланаётган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказади;

тегишли масалалар бўйича етакчи мутахассиснинг фаолиятини назорат қилади.

19. Етакчи мутахассис:

материалларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, Департамент мудири, шўъба мудири ва бош мутахассиснинг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқларини бажаради, материалларнинг ўз вақтида тайёрланишини, сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарларининг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқлари бажарилишининг аҳволи тўғрисидаги ахборотларни тўплайди ва умумлаштиради;

тегишли тармоқ бўйича туркумланган маълумотлар базасини шакллантиради, унинг тўлдирилишини ва мунтазам равишда янгилаб борилишини таъминлайди;

материалларни Департамент мудирига, шўъба мудирига ва бош мутахассисга, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбарига тақдим этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганади, ўзига биркитилган масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради, зарур маълумотномаларни ва таҳлилий материалларни тайёрлайди;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

шўъба мудири билан келишган ҳолда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорларининг ишлаб чиқилаётган лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилади.

20. Инспектор Департаментда иш юритишни амалга оширади, ҳужжатларнинг ўтишини назорат қилади, ҳужжатлар йиғмажилдларининг тайёрланишини ва архивда сақлашга ўз вақтида берилишини таъминлайди, ўзига юкланган бошқа функцияларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 22 мартдаги 56-сон қарорига
2-ИЛОВА

## Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё ва нефть-кимё саноати масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисида
## НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё ва нефть-кимё саноати масалалари ахборот-таҳлил департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 мартдаги ПҚ–601-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Департаментнинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасини, унинг Президиумини, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси Аппаратини ёқилғи-энергетика комплексини; кимё ва нефть-кимё саноатини ривожлантириш масалалари бўйича ахборот-таҳлилий материаллар билан таъминлашга йўналтирилган.

3. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

4. Департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида амалга оширади.

Департамент ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарига, ташкилий масалалар ва ижро интизоми масалалари бўйича эса — Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига бўйсунади.

5. Департамент ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

### II. Департаментнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

*а) ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш соҳасида:*

углеводород хом ашёни қидириш, қазиб олиш ва чуқур қайта ишлаш, ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарини барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, рақобатбардошли, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш стратегияси ва комплекс дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар билан биргаликда углеводород хом ашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларини ишлаб чиқариш ва ишлатишнинг энг муҳим балансларини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқишни таъминлаш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

нефть ва табиий газни, айниқса Устюрт минтақасида ва бошқа истиқболли ҳудудларда қидириш ва геология-разведка ишлари амалга оширилиши дастурлари ишлаб чиқилишини ташкил этиш, ушбу дастурлар амалга оширилиши мониторинги олиб борилишини таъминлаш;

ягона техника сиёсати олиб борилишини, ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарини, ҳосил қилинадиган қувватлар ва электр тармоқларини модернизация қилиш, техника ва технология билан қайта жиҳозлашни таҳлил қилиш ва улар юзасидан ҳамда ушбу мақсадлар учун хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишга доир таклифлар тайёрлаш;

ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

ёқилғи-энергетика комплексида ислоҳотларни чуқурлаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини назорат қилиш;

Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа манфаатдор органлари билан биргаликда ёқилғи-энергетика комплекси тармоқларини ривожлантиришнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли прогнозлари ва дастурлари ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва монополиядан чиқариш жараёнларини чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни ривожлантириш, республиканинг ёқилғи-энергетика комплексида рақобат учун шарт-шароитлар яратиш учун норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

ёқилғи-энергетика комплекси тармоқлари учун кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурлари ишлаб чиқилишини ташкил этиш ҳамда уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;

нефть маҳсулотлари ўрнини босиш учун автогазтўлдириш компрессор ва автогазқуйиш станциялари шохобчаларини ривожлантириш ҳамда автотранспорт воситаларини суюлтирилган ва сиқилган газ билан ишлашга босқичма-босқич ўтказиш дастурлари бажарилиши мониторингини олиб бориш;

нефть, газ ва кўмир конларини қазиб олиш ва улардан фойдаланишнинг самарали тизимлари ва методларини жорий этиш;

кўмир қазиб олиш учун геология-қидирув ишлари мониторингини олиб бориш ва уларни мувофиқлаштириш, кўмир конларини қазишнинг самарали тизимлари ва методларини жорий этиш;

*б) кимё ва нефть-кимё саноати соҳасида:*

кимё ва нефть-кимё саноати корхоналарини барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, рақобатбардошли, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни

кўпайтириш стратегияси ва комплекс дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар билан биргаликда минерал ўғитлар ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларини, нефть-кимё маҳсулотларининг бошқа турларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш балансларининг ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилишини ҳамда келишилишини таъминлаш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

кимё хом ашёси қазиб олиш учун қидирув ва геология-разведка ишларини ўтказиш дастурлари ишлаб чиқилишини ташкил этиш, ушбу дастурларнинг амалга оширилиши мониторингини таъминлаш;

ягона техника сиёсати олиб борилишини, кимё ва нефть-кимё ишлаб чиқаришларини модернизация қилиш, техника ва технология билан қайта жиҳозлашни таҳлил қилиш ва улар юзасидан ҳамда ушбу мақсадлар учун хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишга доир таклифлар тайёрлаш;

иқтисодиёт тармоқларининг кимё ва нефть-кимё маҳсулотларига бўлган жорий ҳамда истиқболдаги эҳтиёжини тадқиқ қилиш ва белгилаш ишларини мувофиқлаштириш.

7. Департамент ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ўзи юритадиган соҳага кирадиган масалалар бўйича ахборотларни тўплайди ва умумлаштиради;

иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида ва ҳудудларда ишларнинг аҳволини ўрганади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Бош вазирнинг ўринбосари учун тегишли материалларни тайёрлайди;

тегишли тармоқларни ривожлантириш, шунингдек тегишли тармоқларда ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурларини, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва янада такомиллаштириш дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш мониторингини олиб боради;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари топшириқларининг ижросини назорат қилади;

тегишли тармоқлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилишини, уларнинг мунтазам равишда янгиланишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг кўриб чиқиши учун таҳлилий, маълумотнома материаллар ва бошқа материалларни, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқлари лойиҳаларини тайёрлайди;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа ҳужжатлар лойиҳалари экспертизасини амалга оширади ва уларни ишлаб чиқади, улар юзасидан зарур таҳлилий ва маълумотнома материаллар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишларга материаллар тайёрлашда ва уларда қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда қатнашади;

материалларнинг комплекслилиги ҳамда уларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашнинг

сифати, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқлари лойиҳаларининг давлат ва хўжалик бошқарувининг манфаатдор органлари, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари билан келишилиши учун жавоб беради;

ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ давлат ва хўжалик бошқарувининг мутасаддилик қилинадиган органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

ўзи юритадиган масалалар бўйича ҳукуматлараро битимларни тайёрлашда қатнашади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари бошчилик қиладиган тегишли Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар иши самарадорлигини таъминлайди, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлайди, кўриб чиқиш ва чора-тадбирлар кўриш учун ушбу мурожаатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборади, уларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қилади, фуқароларни шахсан қабул қилишни амалга оширади;

ўзига юкланган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

### III. Департаментнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Департамент ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

мутасаддилик қилинадиган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органларининг коллегиал органлари мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, Бош вазир ўринбосарининг топшириғига биноан эса — давлат бошқа органларининг, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг Департамент юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган мажлислари ва йиғилишларида қатнашиш;

зарурат бўлганда Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини белгиланган тартибда жалб этиш, тегишли масалалар бўйича вақтинчалик ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

зарурат бўлганда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартиби талаблари бузилган ҳолда тушган ҳужжатларни қайтариб юбориш.

Департаментнинг зарур материаллар, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш бўйича талаблари, агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарларининг ва Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топшириқларида бажаришнинг бошқа муддатлари белгиланмаган бўлса, Департамент белгилаган муддатларда бажарилиши керак.

9. Департамент:

ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифлар ва масалаларни эксперт жиҳатидан сифатли ишлаб чиқишнинг ташкил этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Ҳукумат қарорлари, фармойишларининг, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти топшириқларининг мутасаддилик қилинадиган идоралар томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилиши таъминланиши учун;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизоми мустаҳкамланиши учун жавоб беради.

## IV. Департаментнинг тузилмаси

10. Департаментнинг тузилмасига Департамент мудири, ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш; кимё ва нефть-кимё саноати масалалари бўйича шўъбалар, шунингдек инспектор киради. Шўъба таркибига шўъба мудири, бош ва етакчи мутахассислар киради.

Департамент тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

11. Департамент ишларига мудир раҳбарлик қилади.

12. Департамент мудири, шўъба мудирлари ва мутахассислари белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

## V. Департамент фаолиятини ташкил этиш

13. Департамент ишлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига, ушбу Низомга, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида иш юритиш бўйича Йўриқномага, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарларининг топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари, Департаментнинг иш режалари, Департамент мудири, шўъба мудирлари ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади.

Департаментнинг иш режалари, Департамент мудирининг ва шўъба мудирларининг шахсий иш режалари Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилади ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Мутахассисларнинг шахсий иш режалари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари билан келишилади ва Департамент мудири томонидан тасдиқланади.

14. Департамент мудири:

Департаментга бевосита раҳбарликни амалга оширади, шўъба мудирлари ва мутахассислар ишини ташкил қилади, Департаментга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши ҳамда ижро интизомининг аҳволи учун шахсан жавоб беради;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Департамент юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ҳужжатлар лойиҳаларини ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқади, мазкур лойиҳаларга розилик беради ҳамда улар юзасидан эксперт хулосаларни имзолайди;

Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан Департамент юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамасига давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан тушган, Вазирлар Маҳкамасининг қарорини талаб қилмайдиган ҳужжатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига кўриб чиқиш учун юборади;

Департамент мутахассислари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида амалда бўлган Йўриқномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Департамент ишларини такомиллаштириш, ходимларнинг иш малакасини ошириш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Департамент мутахассисларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш тўғрисидаги, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда уларга танбеҳ бериш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилган таклифларни Бош вазирнинг тегишли ўринбосарига тақдим этади.

15. Департамент мудири вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосари томонидан белгиланадиган Департаментнинг шўъба мудирларидан бири бажаради.

16. Шўъба мудири:

тегишли мутахассисларга бевосита раҳбарликни амалга оширади ҳамда шўъбага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши, ижро интизомининг аҳволи учун шахсан жавоб беради;

ўзига бириктилган масалалар бўйича материалларнинг ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил этади, топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлайди;

тегишли тармоқлар бўйича маълумотларнинг туркумланган базаси яратилиши ва юритилишини, уларнинг мунтазам равишда янгилаб борилишини назорат қилади;

материаллар тўғрисида Департамент мудирига, Бош вазир ўринбосарига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига ахборот беради;

ислоҳотларни чуқурлаштириш, янада ривожлантириш, шунингдек тегишли тармоқлар масалалари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва уларни Департамент мудирига тақдим этади;

ўзи юритадиган соҳага кирадиган масалалар бўйича ўтказиладиган Вазирлар

Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек тайёрланаётган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига бириктилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказади;

Департамент мудирининг топшириғига кўра чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Департамент мудирига тегишли мутахассислар ўртасида вазифаларни тақсимлаш бўйича таклифлар киритади;

Департамент мудирига мутахассисларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда уларга танбеҳ бериш тўғрисида таклифлар тақдим этади.

17. Шўъба мудири вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Департамент мудири белгилайдиган шўъба бош мутахассисларидан бири бажаради.

18. Бош мутахассис:

ўзига бириктилган масалалар бўйича материалларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, материалларнинг ўз вақтида тайёрланиши, сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

ишлаб чиқилаётган қарорлар лойиҳаларини амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини эксперт баҳолашни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарларининг ўзига бириктилган масалалар бўйича топшириқларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан бажарилишини назорат қилади;

тегишли тармоқ бўйича туркумланган маълумотлар базасини яратишни ва юритишни, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил қилади;

материаллар тўғрисида шўъба мудирига, Департамент мудирига, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига ва Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига ахборот беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганади, ўзига бириктилган масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради, зарур таҳлилий материалларни, прогнозлар ва эксперт хулосаларни тайёрлайди;

ислоҳотларни чуқурлаштириш, янада ривожлантириш, шунингдек иқтисодиётнинг тегишли тармоқларидаги ва ҳудудлардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва шўъба мудирига, Департамент мудирига тақдим этади;

ўзига бириктилган масалалар бўйича ўтказиладиган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва

унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек тайёрланаётган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига бириктилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказади;

тегишли масалалар бўйича етакчи мутахассиснинг фаолиятини назорат қилади.

19. Етакчи мутахассис:

материалларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, Департамент мудири, шўъба мудири ва бош мутахассиснинг ўзига бириктилган масалалар бўйича топшириқларини бажаради, материалларнинг ўз вақтида тайёрланишини, сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарларининг ўзига бириктилган масалалар бўйича топшириқлари бажарилишининг аҳволи тўғрисидаги ахборотларни тўплайди ва умумлаштиради;

тегишли тармоқ бўйича туркумланган маълумотлар базасини шакллантиради, унинг тўлдирилишини ва мунтазам равишда янгилаб борилишини таъминлайди;

материалларни Департамент мудирига, шўъба мудирига ва бош мутахассисга, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига тақдим этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганади, ўзига бириктилган масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради, зарур маълумотномаларни ва таҳлилий материалларни тайёрлайди;

ўзига бириктилган масалалар бўйича ўтказиладиган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

шўъба мудири билан келишган ҳолда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорларининг ишлаб чиқилаётган лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилади.

20. Инспектор Департаментда иш юритишни амалга оширади, ҳужжатларнинг ўтишини назорат қилади, ҳужжатлар йиғмажилдларининг тайёрланишини ва архивда сақлашга ўз вақтида берилишини таъминлайди, ўзига юкланган бошқа функцияларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 22 мартдаги 56-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисида**
**НИЗОМ**

## I. Умумий қоидалар

1. Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 мартдаги ПҚ–601-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Департаментнинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасини, унинг Президиумини, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси Аппаратини қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва фермерликни ривожлантириш; ердан оқилона фойдаланиш; сув хўжалиги ва сув хўжалиги қурилиши; атроф муҳит муҳофазаси; чорвачиликни ривожлантириш; озиқ-овқат саноатини ривожлантириш; пахтани қайта ишлаш ва енгил саноатни ривожлантириш; савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳаси масалалари бўйича ахборот-таҳлилий материаллар билан таъминлашга йўналтирилган.

3. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

4. Департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида амалга оширади.

Департамент ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига, ташкилий масалалар ва ижро интизоми масалалари бўйича эса — Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига бўйсунади.

5. Департамент ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

## II. Департаментнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

*а) қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва фермерликни ривожлантириш соҳасида:*

қишлоқ хўжалигида, ердан фойдаланишда, сув хўжалиги комплексида ва атроф муҳитни муҳофаза қилишда иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

қишлоқда фермерлик ҳаракатининг ривожланишини, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектлари шакллантирилиши, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши, экологик

вазият, табиатни муҳофаза қилиш ишларининг ташкил этилиши мониторинги ва таҳлилини таъминлаш;

қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ердан оқилона фойдаланиш, сув хўжалиги ва сув хўжалиги қурилиши, атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳамда қишлоқни юксалтиришнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли прогнозлари ва дастурлари ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

аграр секторда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, шартнома муносабатлари негизидаги ижара муносабатлари ва хўжалик юритиш тизимларини кенг ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчисининг манфаатлари ишончли таъминланишига қаратилган иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш ишларини мувофиқлаштириш;

Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш, ер ва бошқа табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, республикада экологик вазиятни яхшилаш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотларнинг сув хўжалиги тизими фаолият кўрсатиши масалаларида ўзаро ҳамкорлик қилиши бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш ишларини мувофиқлаштириш;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасида хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар комплекси амалга оширилишини ташкил этиш, аграр секторга хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

аграр секторда монополиядан чиқариш жараёнларини чуқурлаштириш, рақобат учун шарт-шароитлар яратиш, ердан фойдаланишда бозор принциплари ва механизмларини кенг жорий этиш, сув хўжалигида бошқарув шакллари, методлари ва тузилмаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимини такомиллаштириш, замонавий агротехнологияларни ва қишлоқ хўжалиги экинларини навлар бўйича жойлаштириш, ер тузиш ва ер мониторинги, тупроқни сақлаш, унинг унумдорлигини ошириш ва тиклашни ташкил этиш, барча даражаларда сувдан фойдаланишнинг бозор принципларини жорий этиш, атроф муҳит муҳофазасининг норматив ва ахборот базасини янгилаш ва такомиллаштириш ишларини ташкил этиш;

селекция ва қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилиги, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ер муносабатларини тартибга солиш, ирригация тизимларини бошқаришнинг ҳавза принципи асосида сув ресурсларини бошқариш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни молиялаштириш ва кредитлаш тизимини таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш, эскидан суғориб келинаётган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва янги ерлар ўзлаштириш, ўрмонлардан фойдаланиш, уларни қўриқлаш ва муҳофаза қилиш, ўрмон хўжалигини ривожлантиришга доир таклифлар тайёрлаш;

фермер хўжаликларини, шу жумладан лизинг асосида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш;

қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига механизациялаштирилган хизматлар кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги техникаси, эҳтиёт қисмлар ва бошқа моддий-техника ресурслари етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилишини ташкил этиш;

бозор принциплари ва механизмлари асосида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига хизмат кўрсатувчи тармоқлар, бўғинлар ва тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар билан биргаликда ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг молиявий таъминоти юзасидан баланснинг ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилиши ва келишилишини ҳамда унинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

*б) чорвачиликни ривожлантириш соҳасида:*

шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорвачиликни ривожлантиришни тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

республикада чорвачиликни янада ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилиши мониторинги олиб борилиши ва таҳлил этилишини таъминлаш;

чорвачиликни ривожлантириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

наслчилик ишларини сифат жиҳатидан ривожлантириш, чорва молларини сунъий қочириш хизматларини кенгайтириш, зооветеринария хизмати кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш ишларини мувофиқлаштириш;

зооветеринария пунктларини жиҳозлаш ҳамда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига ветеринария хизмати кўрсатиш даражасини ошириш, ветеринария препаратларини мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқариш базасини кенгайтириш ишларини ташкил этиш;

чорва озуқа экинлари экиш таркибини мақбуллаштириш ва чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларининг ер майдонларидан мақсадли фойдаланишга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

пиллачиликнинг озуқа базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, юқори маҳсулли ипак қурти уруғини мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқариш, тирик пилла ишлаб чиқаришни кенгайтириш ишларини мувофиқлаштириш;

фермер хўжаликларида ва якка тартибдаги секторда қоракўлчилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантиришни таҳлил қилиш ва таклифлар тайёрлаш;

*в) озиқ-овқат саноатини ривожлантириш соҳасида:*

озиқ-овқат саноати тармоқларида ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

мева-сабзавот, виночилик, ёғ-мой, гўшт-сут саноати, шунингдек донни қайта ишлаш ва омихта ем ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти мониторинги олиб борилиши ва таҳлил қилинишини ҳамда уларнинг ривожлантирилишини таъминлаш;

озиқ-овқат саноати товарларини ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва сотиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришда иқтисодий ислоҳотларни амалга оши-

риш ва мазкур соҳани ривожлантириш вазифаларининг комплекс ҳал этилишини ташкил қилиш;

ички истеъмол бозорини озиқ-овқат товарлари билан тўлдириш масалалари бўйича мониторингни таъминлаш ҳамда таҳлил этиш, озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишдаги сифат ўзгаришларини ва уни ривожлантириш тенденцияларини баҳолаш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш тармоқларида бозор принциплари ва механизмаларини кенг жорий этиш, озиқ-овқат саноати корхоналарида замонавий технологияларни жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, тармоққа хорижий инвестициялар ва технологияларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, корхоналарни модернизация қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологияларни кенг жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш;

жаҳон стандартларига жавоб берадиган озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш, тармоқ корхоналарининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, импорт ўрнини тўлдирадиган товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар билан биргаликда мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари ва узум, озиқ-овқат спирти, ўсимлик ёғи ва озиқ-овқат дони ишлаб чиқариш ва уларни тақсимлаш балансларини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқишни ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

*г) пахтани қайта ишлаш ва енгил саноат соҳасида:*

пахтани қайта ишлаш саноати, енгил саноат товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва пулли хизматлар кўрсатишни ривожлантириш соҳасида иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

ички истеъмол бозорини енгил саноат товарлари билан тўлдириш масалалари бўйича мониторингни таъминлаш ҳамда таҳлил этиш, енгил саноат товарлари ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишни ривожлантириш, савдо ва пулли хизматлар фаолият кўрсатиши соҳасидаги сифат ўзгаришларини ва тенденцияларини баҳолаш;

пахтани қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, енгил саноат товарлари ишлаб чиқариш ва сотиш, савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг пахтани қайта ишлаш саноати, енгил саноат товарлари ишлаб чиқариш ва сотиш, савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

пахтани қайта ишлаш тармоғида, енгил саноатда, савдода ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш вазифаларини комплекс ҳал этишни ташкил қилиш;

пахтани қайта ишлаш саноати, енгил саноат товарлари ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, тармоққа хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

пахта тозалаш ва енгил саноат корхоналарини ривожлантиришнинг илмий-техник даражасини ошириш, тармоқ корхоналарини модернизация қилиш, техника ва технология билан қайта жиҳозлаш, кўрсатиб ўтилган вазифаларни ҳал этиш учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

жаҳон стандартларига жавоб берадиган енгил саноат товарлари ишлаб чиқариш, тармоқ корхоналарининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, импортнинг ўрнини босадиган товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

бозорлар фаолиятини, ярмаркалар ва кўргазмаларнинг истеъмол товарлари, аҳолини истеъмол товарлари ва пулли хизматлар билан таъминлаш бўйича маркетинг тадқиқотлари борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

чакана ва улгуржи савдони ташкил этиш тизимини, пулли хизматлар кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш, савдо ва хизматлар кўрсатишни ташкил этишнинг янги шакллари ва методларини кенг жорий этиш, хусусий ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек савдо ва хизматлар кўрсатишнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳаси учун кадрлар тайёрлашни ташкил этиш тизимини ўрганиш ва таҳлил қилиш, мазкур соҳаларни малакали кадрлар билан таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар билан биргаликда пахта толаси ва линт ишлаб чиқариш ва етказиб бериш балансларининг ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилиши ва келишилишини ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш.

7. Департамент ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ўзи юритадиган соҳага кирадиган масалалар бўйича ахборотларни тўплайди ва умумлаштиради;

иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида ва ҳудудларда ишларнинг аҳволини ўрганади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари учун тегишли материалларни тайёрлайди;

тегишли тармоқлар ривожланиши, ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурлари, шунингдек тегишли тармоқларда ходимларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш ва янада такомиллаштириш дастурлари шакллантирилиши ва амалга оширилиши юзасидан мониторинг олиб боради;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари топшириқларининг ижросини назорат қилади;

тегишли тармоқлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилишини, уларнинг мунтазам равишда янгиланишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг кўриб чиқиши учун таҳлилий, маълумотнома материаллар ва бошқа материалларни, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқлари лойиҳаларини тайёрлайди;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа ҳужжатлар, шу жумладан аҳолининг ижтимоий муҳофазаланганлигини кучайтириш бўйича мақсадли дастурлар лойиҳалари экспертизасини амалга оширади ва уларни ишлаб чиқади, улар юзасидан зарур таҳлилий ва маълумотнома материаллар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишларга материаллар тайёрлашда ва уларда қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда қатнашади;

материалларнинг комплекслилиги ҳамда уларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашнинг сифати, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарларининг топшириқлари лойиҳаларининг давлат ва хўжалик бошқаруви манфаатдор органлари, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари билан келишилиши учун жавоб беради;

Департамент ваколатига кирувчи масалалар бўйича қонун лойиҳалари ишлаб чиқилишини ва уларнинг белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилишини ташкил қилади;

ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ давлат ва хўжалик бошқарувининг мутасаддилик қилинадиган органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

ўзи юритадиган масалалар бўйича ҳукуматлараро битимларни тайёрлашда қатнашади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари бошчилик қиладиган тегишли Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар иши самарадорлигини таъминлайди, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлайди, кўриб чиқиш ва чора-тадбирлар кўриш учун ушбу мурожаатларни тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборади, уларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қилади, кўрсатиб ўтилган мурожаатлар билан ахборот-таҳлил ишларини амалга оширади, фуқароларни қабул қилишни амалга оширади;

ўзига юкланган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

### III. Департаментнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Департамент ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

мутасаддилик қилинадиган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органларининг коллегиал органлари мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг топшириғига биноан эса — давлат бошқа органларининг, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг Департамент юритадиган масалалар бўйича ўтказиладиган мажлислари ва йиғилишларида қатнашиш;

зарурат бўлганда Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, илмий муассасалар

ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини белгиланган тартибда жалб этиш, тегишли масалалар бўйича вақтинчалик ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

зарурат бўлганда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартиби талаблари бузилган ҳолда тушган ҳужжатларни қайтариб юбориш.

Департаментнинг зарур материаллар, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш бўйича талаблари, агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарларининг ва Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топшириқларида бажаришнинг бошқа муддатлари белгиланмаган бўлса, Департамент белгилаган муддатларда бажарилиши керак.

9. Департамент:

ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган таклифлар ва масалаларни эксперт жиҳатидан сифатли ишлаб чиқишнинг ташкил этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Ҳукумат қарорлари, фармойишларининг, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти топшириқларининг мутасаддилик қилинадиган идоралар томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилиши таъминланиши учун;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизоми мустаҳкамланиши учун жавоб беради.

## IV. Департаментнинг тузилмаси

10. Департаментнинг тузилмасига Департамент мудири, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва фермерликни ривожлантириш; чорвачиликни ривожлантириш; озиқ-овқат саноатини ривожлантириш; пахтани қайта ишлаш ва енгил саноат масалалари бўйича шўъбалар, шунингдек инспектор киради. Шўъба таркибига шўъба мудири, бош ва етакчи мутахассислар киради.

Департамент тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

11. Департамент ишларига мудир раҳбарлик қилади.

12. Департамент мудири, шўъба мудирлари ва мутахассислари белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

## V. Департамент фаолиятини ташкил этиш

13. Департамент ишлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига, ушбу Низомга, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида иш юритиш бўйича йўриқномага, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарларининг топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари, Департаментнинг иш режалари, Департамент муди-

ри, шўъба мудирлари ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади.

Департаментнинг иш режалари, Департамент мудири ва шўъба мудирларининг шахсий иш режалари Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилади ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан тасдиқланади.

Мутахассисларнинг шахсий иш режалари Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири билан келишилади ва Департамент мудири томонидан тасдиқланади.

14. Департамент мудири:

Департаментга бевосита раҳбарликни амалга оширади, шўъба мудирлари ва мутахассислар ишларини ташкил қилади ҳамда Департаментга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши ва ижро интизомининг аҳволи учун шахсан жавоб беради;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Департамент юритадиган соҳага тегишли масалалар бўйича ҳужжатлар лойиҳаларини ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқади, мазкур лойиҳаларга розилик беради ҳамда улар юзасидан эксперт хулосаларни имзолайди;

Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан Департамент юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамасига давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан тушган, Вазирлар Маҳкамасининг қарорини талаб қилмайдиган ҳужжатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига кўриб чиқиш учун юборади;

Департаментнинг шўъба мудирлари ва мутахассислари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида амалда бўлган Йўриқномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Департамент ишларини такомиллаштириш, ходимларнинг иш малакасини ошириш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Департамент мутахассисларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда уларга танбеҳ бериш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилган таклифларни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига тақдим этади.

15. Департамент мудири вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан белгиланадиган Департаментнинг шўъба мудирларидан бири бажаради.

16. Шўъба мудири:

тегишли мутахассисларга бевосита раҳбарликни амалга оширади ҳамда тармоқлар бўйича Департаментга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўзига бириктилган масалалар бўйича материалларнинг ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил этади, топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлайди;

тегишли тармоқлар бўйича маълумотларнинг туркумланган базаси яратилиши ва юритилишини, уларнинг мунтазам равишда янгилаб борилишини назорат қилади;

материаллар тўғрисида Департамент мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Бош вазирга, унинг ўринбосарларига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига ахборот беради;

ислоҳотларни чуқурлаштириш, янада ривожлантириш, шунингдек тегишли масалалар бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва уларни Департамент мудирига тақдим этади;

ўзи юритадиган соҳага кирадиган масалалар бўйича ўтказиладиган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек тайёрланаётган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказади;

Департамент мудирининг топшириғига биноан чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Департамент мудирига тегишли мутахассислар ўртасида вазифаларни тақсимлаш бўйича таклифлар киритади;

Департамент мудирига мутахассисларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда уларга танбеҳ бериш тўғрисида таклифлар тақдим этади.

17. Шўъба мудири вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Департамент мудири белгилайдиган шўъба бош мутахассисларидан бири бажаради.

18. Бош мутахассис:

ўзига биркитилган масалалар бўйича материалларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, материалларнинг ўз вақтида тайёрланиши, сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

ишлаб чиқилаётган қарорлар лойиҳаларини амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини эксперт баҳолашни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарларининг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан бажарилишини назорат қилади;

тегишли тармоқ бўйича маълумотларнинг туркумланган базаси яратилишини ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил қилади;

материаллар тўғрисида шўъба мудирига, Департамент мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ва унинг ўринбосарларига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига ахборот беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганади, ўзига биркитилган масалалар бўйича ахбо-

ротларни умумлаштиради, зарур таҳлилий материалларни, прогнозлар ва эксперт хулосаларни тайёрлайди;

ислоҳотларни чуқурлаштириш, янада ривожлантириш, шунингдек иқтисодиётнинг тегиши тармоқларидаги ва ҳудудлардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва шўъба мудирига, Департамент мудирига тақдим этади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек ишлаб чиқилаётган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказади;

тегишли масалалар бўйича етакчи мутахассиснинг фаолиятини назорат қилади.

19. Етакчи мутахассис:

материалларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, Департамент мудири, шўъба мудири ва бош мутахассиснинг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқларини бажаради, материалларнинг ўз вақтида тайёрланишини, сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарларининг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқлари бажарилишининг аҳволи тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва умумлаштиришни амалга оширади;

тегишли тармоқ бўйича маълумотларнинг туркумланган базасини шакллантиради, унинг тўлдирилишини ва мунтазам равишда янгилаб борилишини таъминлайди;

материалларни Департамент мудирига, шўъба мудирига ва бош мутахассисга, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига тақдим этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганади, ўзига биркитилган масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради, зарур маълумотномаларни ва таҳлилий материалларни тайёрлайди;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

шўъба мудири билан келишган ҳолда давлат ва хўжалик бошқаруви органла-

ри, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорларининг ишлаб чиқилаётган лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилади.

20. Инспектор Департаментда иш юритишни амалга оширади, ҳужжатларнинг ўтишини назорат қилади, ҳужжатлар йиғмажилдларининг тайёрланишини ва архивда сақлашга ўз вақтида берилишини таъминлайди, ўзига юкланган бошқа функцияларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 22 мартдаги 56-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил департаментлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 1 декабрдаги 561-сон қарори 1-бандининг бешинчи хатбоши, шунингдек ушбу қарорга 4-илова.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2005 йил 1 апрелдаги 94-сон қарорига илова I бўлимининг 4-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 3-4-сон, 18-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил департаментлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2005 йил 3 августдаги 183-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбоши, шунингдек ушбу қарорга 2-илова.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 118 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси корхоналарининг давлатга қарашли акциялари пакетларини хусусий мулк этиб сотиш тўғрисида» 2006 йил 3 июлдаги ПҚ—396-сон қарори бажарилишини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси корхоналарининг давлатга қарашли акциялари пакетларини хусусий мулк этиб сотиш тўғрисида» 2006 йил 3 июлдаги ПҚ—396-сон қарорини бажариш юзаси-

дан, шунингдек компания таркибига кирувчи автобус паркларининг жорий молиявий аҳволини ҳисобга олиб Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси корхоналарининг давлатга қарашли акциялари пакетларини хусусий мулк этиб сотиш тўғрисида» 2006 йил 3 июлдаги ПҚ–396-сон қарорида «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси автобус паркларининг давлатга қарашли акциялари пакетларини икки босқичда сотиш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Бунда давлатга қарашли акциялар пакетларини сотишдан тушадиган маблағларнинг:

давлатга қарашли акциялар пакетларини сотишдан тушадиган маблағларнинг 30 фоизи биринчи навбатда «Мерседес-Бенц» автобусларини харид қилиш учун Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб қилинган хорижий кредитларни тўлашга йўналтирилади;

давлатга қарашли акциялар пакетларини сотишдан тушадиган маблағларнинг 40 фоизи 2010 йил охиригача қайтариш асосида беш йил муддатга автобус паркларининг ҳаракатланувчи таркибини янгилашга, шу жумладан лизинг асосида янгилашга мақсадли фойдаланиш учун «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасига йўналтирилади.

2. Белгилаб қўйилсинки, тушган маблағларнинг қолган қисми (30 фоизи), «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси акцияларини номинал қиймати бўйича унинг устав фондини сақлаб туриш учун йўналтириладиган ҳамда 2519-сон автожамланманинг ҳаракатланувчи таркибини янгилаш ва «Тошавтобустранс» акциядорлик компаниясининг «Мерседес-Бенц» сервис маркази» шўъба корхонаси асбоб-ускуналарини реновация қилиш учун фойдаланиладиган 3051,5 млн сўмни чегирган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришдан тушган маблағларни ҳисобга олиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида» 1998 йил 22 августдаги 362-сон қарорида белгиланган тартибда тақсимланади.

3. Белгилансинки, 362 та «Мерседес-Бенц» автобуслари қийматини қўшиш ҳисобига «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси таркибига кирувчи 9 та автобус паркининг устав фонди кўпайтирилгандан кейин биринчи босқичда (2007 йил мобайнида) улар устав фондларининг 40 фоизи миқдоридаги акциялар пакетлари сотилади.

4. Автобус парклари, улар устав фондлари 362 та «Мерседес-Бенц» автобуслари қийматини қўшиш ҳисобига кўпайтирилганда эмиссия проспектларини қайта рўйхатдан ўтказиш йиғимлари тўлашдан истисно тариқасида озод қилинсин.

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси автобус паркларининг қўшимча чиқарилган акцияларини хизматлар ҳақи ундирмасдан ҳисобга қўйсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 23 март,
57-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 119 Халқ таълими муассасаларининг молиявий-иқтисодий таъминотини такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 26 февралдаги ПФ—3857-сон Фармонини ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумтаълим мактабларининг намунавий штатларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 29 мартдаги ПҚ—609-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек бюджетнинг ғазна ижроси шароитларида халқ таълими муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Халқ таълими муассасаларини ҳисоб-китоб-молиявий жиҳатдан таъминлаш, уларнинг сарф-харажатларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш функциялари ҳамда тузилмаларини Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимларидан тегишли молия органларига топшириш бўйича Республика комиссияси 1-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2-иловага* мувофиқ таркибда тегишли ҳудудий комиссиялар ташкил этсинлар.

Республика комиссиясига ва ҳудудий комиссияларга 2007 йил 1 июнгача бўлган муддатда:

халқ таълими муассасаларига марказлаштирилган хўжалик хизмати кўрсатиш бўйича марказлаштирилган бухгалтериялар ва гуруҳларнинг мол-мулкини белгиланган тартибда тегишли молия органлари балансига қабул қилиб олиш учун ушбу мол-мулкни хатловдан ўтказишни ташкил этиш;

ҳар бир халқ таълими муассасаси бўйича харажатлар сметалари ва молиявий ҳужжатларнинг моддама-модда хатловдан ўтказилишини таъминлаш, бунда муассасаларнинг коммунал, фойдаланиш харажатлари ва бошқа сарф-харажатларга бўлган эҳтиёжи уларнинг ўқувчилар сонига ва типига қараб ушбу муассасаларнинг харажатлар сметаларида назарда тутилган ажратиладиган маблағларга мувофиқ бўлишига алоҳида эътибор бериш;

халқ таълими муассасаларининг тегишли ташкилотлар ва муассасалар билан қарзларини 2007 йил 1 апрелдаги ҳолатига кўра солиштириш далолатномалари тузилишини назорат қилиш, шунингдек ушбу муассасаларнинг дебиторлик-кредиторлик қарзларини ундириш ва узиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилишини таъминлаш вазифаларини амалга ошириш юклансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари, туман ва шаҳар молия бўлимлари 2007 йил 1 июнгача халқ таълими муассасалари харажатлар сметалари ва штат жадвалларининг белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилишини таъминласинлар.

---

* 1-2-иловалар берилмайди.

Белгилаб қўйилсинки, халқ таълими муассасаларининг барча ҳисоб-китоб операциялари 2007 йил 1 апрель — 30 июнь даврида қатъий равишда тегишли ҳудудий молия органлари билан келишган ҳолда амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги белгиланган тартибда:

юридик шахс мақомини олган халқ таълими муассасаларининг белгиланган тартибда янгидан рўйхатдан ўтказилган якка тартибдаги харажатлар сметалари ижро учун қабул қилинишини;

уларнинг товарлар етказиб берувчилар (ишларни бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар) билан шартномаларини илгари марказлаштирилган бухгалтериялар билан тузилган шартномаларни ҳисобга олган ҳолда қатъий равишда ушбу муассасаларнинг якка тартибдаги харажатлар сметаларида кўрсатилган суммалар доирасида ва мақсадларга мувофиқ қайта тузилишини ва қайта рўйхатдан ўтказилишини;

юридик шахс мақомини олган халқ таълими муассасалари томонидан тузиладиган шартномаларнинг сифати, уларнинг мақсадга мувофиқлиги ва, қоидага кўра, воситачилик хизматларини истисно этган ҳолда нархларнинг асосланганлиги мониторинги олиб борилишини;

тўловлар юридик шахс мақомини олган халқ таълими муассасаларининг ҳудудий молия органлари билан биргаликда тузган буюртманомаларига мувофиқ, йил бошидан бошлаб улар бўйича қилинган харажатлар марказлаштирилган бухгалтериялар томонидан ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилишини таъминласин.

4. Белгилансинки, Директор жамғармаси маблағлари бюджет таснифининг 01130 «Умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантириш директор жамғармаси маблағлари» коди бўйича алоҳида сатрда ажратиб кўрсатилган ҳолда ҳар бир умумтаълим муассасаси таъминотига харажатлар сметасида назарда тутилади.

5. Халқ таълими муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларнинг юритилиши, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилиши, шартнома интизоми таъминланиши ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарздорликка йўл қўймаслик юзасидан жавобгарлик ушбу муассасаларнинг раҳбарлари ва бухгалтерларига, ҳудудий молия органларига ва Молия вазирлигининг Ғазначилиги бўлинмаларига юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

бир ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларининг, туман ва шаҳар молия органларининг халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлимлари намунавий тузилмасини тасдиқласин, унда бўлимлар ходимлари сонининг хизмат кўрсатиладиган муассасалар сонига боғлиқ ҳолда белгиланишини назарда тутсин;

ҳудудий молия органларининг халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлимлари бошлиқлари ва бош бухгалтерларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ходимлар лавозимлари рўйхатига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари ҳудудий молия органлари билан биргаликда 2007 йил мобайнида мактаб-интернатлар ва умумтаълим мактабларини малакали бухгалтерлар билан таъминласинлар.

8. Халқ таълими муассасаларини ва ҳудудий молия органларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш учун доимий ишлайдиган Халқ таълими муассасаларининг марказлаштирилган бухгалтериялари ва молия ходимларини аттестация-

дан ўтказиш бўйича Республика идоралараро аттестация комиссияси 3-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин, бунда тегишли ходимларни ҳар уч йилда аттестациядан ўтказиш назарда тутилсин.

Республика идоралараро аттестация комиссияси:

ўн кун муддатда халқ таълими муассасаларининг марказлаштирилган бухгалтериялари ва молия ходимларини аттестациядан ўтказиш тартибини ишлаб чиқишни ҳамда ҳудудий молия органларига ва халқ таълими муассасаларига етказишни;

жойларда ташкил этиладиган ҳудудий аттестация комиссиялари билан биргаликда 2007 йил 1 июнгача бўлган муддатда кўрсатиб ўтилган ходимлар тоифаларини уларнинг малакаси ва касб даражасига нисбатан қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда аттестациядан ўтказишни таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

вазирликлар ва идоралар норматив ҳужжатларининг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 30 март,
63-сон

* 3-илова берилмайди.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

### 120 Элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги буйруққа ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 24 мартда 1551-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 3 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Уруғчилик тўғрисида»ги ва «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2006 йилда пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари ва ғўзани навлар бўйича жойлаштириш тўғрисида» 2006 йил 31 январдаги ПҚ–543-сон қарори ҳамда Қишлоқ хўжалигида иқтисодийислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссиясининг 2007 йил 29 декабрдаги 03/1-845-сонли йиғилиши Баённомасининг 6-банди топшириғининг ижросини таъминлаш мақсадида, **буюраман:**

1. «Элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2006 йил 21 февралдаги 39-сон буйруғига (2006 йил 13 март, рўйхат рақами 1551 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 11-сон, 88-модда) киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

3. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари О. Оллаберганов зиммасига юклатилсин.

**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири** **С. ИСМОИЛОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 1 март,
54-сон

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг
2007 йил 1 мартдаги 54-сон буйруғига
ИЛОВА

**Элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. «Элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқнинг номи ва 1-банддаги «элита» сўзларидан олдин «супер элита,» сўзлари қўшилсин.

2. Элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

Низомнинг номи ва бутун матни бўйича «элита» сўзларидан олдин «супер элита,» сўзлари қўшилсин;

муқаддимадаги «ширкат» сўзи «тажриба» сўзи билан алмаштирилсин;

2-банднинг иккинчи хатбошидаги «туман ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлими, туман ер тузиш ва кадастр бўлими» сўзлари «ўсимликларни ҳимоя қилиш туман отрядлари, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин.

5-банднинг иккинчи хатбоши ва 25-банддан «ширкат» сўзлари чиқариб ташлансин;

6-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

V боб қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«V. Танлов ғолибларининг вазифалари, функциялари ва жавобгарлиги**

25. Танлов ғолибларининг асосий вазифалари:

республика эхтиёжини қондириш учун навлар бўйича зарур миқдордаги, стандарт талабларига мос келувчи нав уруғларининг авлодларини ҳисобга олган ҳолда етиштириш;

кўпайтирилаётган навнинг қимматли хўжалик, технологик хусусиятларини сақлаб қолиш;

юқори сифатли ва нав софлигига эга бўлган супер элита ва элита уруғларини етиштириш;

супер элита ва элита уруғликларини етиштириш ва қайта ишлаш тартиб ва қоидаларига амал қилиш;

нав муаллифлари ва нав оригинаторлари томонидан ишлаб чиқилган илмий асосланган тавсиялар асосида агротехник тадбирларни белгиланган муддатларда ва меъёрларда сифатли ўтказилишини таъминлаш.

Танлов ғолиблари ўзларига юклатилган вазифаларга асосан қуйидаги функцияларни амалга оширади:

уруғлик майдонларини юқори унумдор, механизмлар ёрдамида ишлов беришга қулай, сув билан яхши таъминланган, шўрланмаган ва текис далаларда жойлаштиради;

алмашлаб экиш ва агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш дастурини тузиш ва уларнинг ҳисобини олиб боради;

ҳар бир гектар супер элита ва элита чигити экилган майдонларни бир мутахассис ҳисобида биттадан юқори малакали уруғчи-мутахассислар билан таъминлайди;

супер элита ва элита майдонларини ихчам қилиб жойлаштириш, белгиланган тартибда ва мақбул муддатларда оралиқ ҳимоя масофани сақлаган ҳолда экади;

фойдаланишга рухсат этилган препаратлар билан зарарсизлантирилган уруғларни экади;

нав ва тур тозалиги бўйича дала кўриги ва ўтоғини йилига камида икки марта ўтказишни ташкиллаштиради.

28-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда» сўзлар чиқариб ташлансин.

25—28-бандлар тегишинча 26—29-бандлар деб ҳисоблансин.

3. Мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар «Ўзпахтасаноат» уюшмаси билан келишилган.

***«Ўзпахтасаноат» уюшмаси раиси*** ***Ф. ОМОНОВ***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 28 февраль*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 121 Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган алоҳида турдаги товарлар учун акциз солиғи тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш киритиш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 26 мартда 1101-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди***

***(2007 йил 5 апрелдан кучга киради)***

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 ноябрь 2006 йилдаги «Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ—505-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 45-сон, 440-модда) мувофиқ, **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2002 йил 15 январдаги 17 ва 02/8-1-сонли қарори билан тасдиқланган Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган алоҳида турдаги товарлар учун акциз солиғи тўлаш тартиби тўғрисидаги

йўриқномага (2002 йил 5 март, рўйхат рақами 1101 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил, 5-сон; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 5-6-сон, 43-модда; 2006 йил, 3-сон, 18-модда) иловага* мувофиқ ўзгартиш киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири** **Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 18 январь,
8-сон

**Давлат божхона қўмитаси раиси** **С. НОСИРОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 18 январь,
01-02/8-5-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 122 Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 26 мартда 1109-7-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди***

***(2007 йил 5 апрелдан кучга киради)***

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ—532-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 51-52-сон, 507-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 14 январдаги 15, 2002-12-сон қарори билан тасдиқланган Юридик шахс-

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

лардан олинадиган даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (2002 йил 13 март, рўйхат рақами 1109 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 5, 11-12, 19-сон; 2003 й., 4-сон; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 10-сон, 122-модда; 2005 й., 5-6-сон, 45-модда; 2006 й. 18-сон, 153-модда) иловага* мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Молия вазири** **Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 23 февраль,
24-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси** **Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 23 февраль,
2007-20-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

## 123 Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 26 мартда 1648-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди***

***(2007 йил 5 апрелдан кучга киради)***

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари асосида Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низом»га (2006 йил 27 декабрь, рўйхат рақами 1648 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 51-52-сон, 523-модда) иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган кундан ўн кундан сўнг кучга киради.

**Марказий банк Бошқаруви раиси** **Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Ташкент ш.,
2007 йил 9 март,
8/5-сон

Марказий банк Бошқарувининг
2007 йил 9 мартдаги 8/5-сонли қарорига
ИЛОВА

### Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимча

1. 9-банд қуйидаги таҳрирдаги янги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Лизинг компанияларига уларга иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очган тижорат банклари томонидан импорт асосида лизинг объектларини етказиб бериш билан боғлиқ лизинг хизмати кўрсатилиши мумкин.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 124 Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 28 мартда 1325-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди***

***(2007 йил 7 апрелдан кучга киради)***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ—532-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 51-52-сон, 507-модда) ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 15 январдаги 16, 2004-13-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (2004 йил 15 март, рўйхат рақами 1325 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 11-сон, 133-модда) иловага* мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

**Молия вазири** **Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 6 март,
28-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси** **Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 6 март,
2007-24-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

## 125 Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган истеъмол товарларининг рўйхатига қўшимча киритиш тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 28 мартда 1242-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди***

***(2007 йил 7 апрелдан кучга киради)***

Экспортни рағбатлантириш, сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун қулай шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқа-

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

лар агентлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Молия вазирлигининг 2003 йил 2 майдаги 4, ЭГ-01/12-1745, 01-02/8-29 ва 60-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган истеъмол товарларининг рўйхатида (2003 йил 21 май, рўйхат рақами 1242 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 йил, 9-10-сон) 392321000 ТИФ ТН коди қаторидаги «Товар номи»га «(асептик қоплардан ташқари)» сўзлари қўшилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Иқтисодиёт вазири** **Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 15 март,
15-сон

**Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири** **Э. ҒАНИЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 15 март,
ЭГ-01/19-1254-сон

**Давлат божхона қўмитаси раиси** **С. НОСИРОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 15 март,
01-02/8-8-сон

**Молия вазири** **Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 15 март,
32-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

# 126 Ўсимлик (пахта) ёғи учун тўланадиган акциз солиғининг бир қисмини Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасининг махсус ҳисобварағига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 28 мартда 1666-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 7 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ–532-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 51-52-сон, 507-модда) ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Илова қилинаётган Ўсимлик (пахта) ёғи учун тўланадиган акциз солиғининг бир қисмини Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасининг махсус ҳисобварағига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

**Молия вазири** **Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 6 март,
27-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси** **Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 6 март,
2007-23-сон

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2007 йил 6 мартдаги
27, 2007-23-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

## Ўсимлик (пахта) ёғи учун тўланадиган акциз солиғининг бир қисмини Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасининг махсус ҳисобварағига ўтказиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ–532-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 51-52-сон, 507-модда)ги қарорига мувофиқ, Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси корхоналарининг Ўзбекистон Республикаси кафолати асосида жалб қилинган кредитларини сўндириш учун ўсимлик (пахта) ёғи ишлаб чиқарувчи корхоналардан олинадиган акциз солиғининг бир қисмини Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасининг махсус ҳисобварағига (кейинги ўринларда — Махсус ҳисобварақ) ўтказиб бериш тартибини белгилайди.

### I. Ўсимлик (пахта) ёғи ишлаб чиқарувчи корхоналарда акциз солиғининг бир қисмини ҳисоблаш тартиби

1. Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасининг Махсус ҳисобварағига ўтказиб бериладиган акциз солиғи бир қисмининг миқдори ўсимлик (пахта) ёғига ҳисобланадиган умумий акциз солиғи ва шундан бюджетга тўланадиган акциз солиғи ўртасидаги фарқидан келиб чиқади.

Махсус ҳисобварақққа ва Давлат бюджетига ўтказиладиган ўсимлик (пахта) ёғига ҳисобланадиган акциз солиғи ставкасининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ белгиланади.

### II. Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасининг махсус ҳисобварағига акциз солиғининг бир қисмини ўтказиб бериш тартиби

2. Корхоналар ўсимлик (пахта) ёғини, саломас ва «Ўзбекистон» ёғини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ёғ бундан мустасно, сотишдан умумий ҳисобланган акциз солиғининг тўлов топшириқномасини акциз солиғини тўлаш муддатларида хизмат кўрсатувчи банкка юборади. Тўлов топшириқномасида акциз солиғининг умумий суммаси билан бирга бюджетга ҳамда Махсус ҳисобварақққа ўтказиладиган акциз солиғининг суммаси белгиланган миқдорда алоҳида ажратилиб кўрсатилиши шарт. Бунда, Махсус ҳисобварақққа ўтказиладиган акциз солиғининг суммаси кўрсатилмаган тўлов топшириқномасини хизмат кўрсатувчи банкка ижро учун топширишга йўл қўйилмайди.

3. Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси ой якунида Махсус ҳисобварақда жамланган акциз солиғи суммасини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси кафолати билан жалб қилинган кредитни сўндириш учун ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай «МТ Инвест-Импекс» республика ташқи савдо фирмасининг ТИФ Миллий банки

Тошкент шаҳар Бош бошқармасидаги МФО 00451, ИНН 201292107, 20210000300429574006 рақамли махсус ҳисобварағига ўтказади.

4. «МТ Инвест-Импекс» республика ташқи савдо фирмаси ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 12-кунидан кечиктирмай махсус ҳисобварaққа келиб тушган маблағларни конвертация қилиш учун йўналтиради.

Конвертация қилинган маблағлар икки банк иши кунида Ҳукумат кафолати билан жалб қилинган кредитларни сўндиришга йўналтирилади.

## III. Жавобгарлик ва назорат

5. Ўсимлик (пахта) ёғи сотишни амалга оширувчи корхоналар Махсус ҳисобварaққа ўтказиладиган акциз солиғининг бир қисмини тўғри ҳисобланишига қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

6. Махсус ҳисобварақдаги маблағни ушбу Низомда кўзда тутилмаган бошқа мақсадлар учун ишлатиш тақиқланади.

7. Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси, «МТ Инвест-Импекс» республика ташқи савдо фирмасининг маълумотига мувофиқ, ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 15-кунигача Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Ўзбекистон Республикаси кафолати билан жалб қилинган кредитларни сўндирилиши тўғрисида маълумотнома тақдим қилади.

8. Ўсимлик (пахта) ёғи учун тўланадиган акциз солиғининг бир қисмини ўтказилишининг белгиланган тартибига риоя қилиниши устидан назорат Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси раҳбарияти зиммасига ва ушбу маблағлардан фойдаланишдаги жавобгарлик «МТ Инвест-Импекс» республика ташқи савдо фирмасига юклатилади.

## IV. Якуний қоида

9. Мазкур Низом Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси билан келишилган.

***Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси раиси*** ***М. ҒОФУРОВ***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 6 март*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

# 127 Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 28 мартда 1667-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 7 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги ПФ–3620-сон Фармонига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 25-26-сон, 177-модда; 2006 й., 28-29-сон, 262-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ–532-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 51-52-сон, 507-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Илова қилинаётган Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1999 йил 18 февралда ЭГ/04-01-02/429, 99-22-сон билан тасдиқланган Консигнация шартномалари бўйича товарларни реализация қиладиган айрим корхоналарга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тушунтириш (1999 йил 1 март, рўйхат рақами 654 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 й., 3-сон; 2003 й., 13-14-сон);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1999 йил 10 февралда ЭГ/04-03-02/367, 99-19-сон билан тасдиқланган Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солиқ солишнинг айрим масалалари тўғрисида тушунтириш (1999 йил 4 март, рўйхат рақами 661 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 й., 3-сон);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 4 апрелдаги «Лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахсларнинг ялпи тушумидан ягона солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 51, 2003-42-сон қарори (2003 йил 21 апрель, рўйхат рақами 1234 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 7-8-сон; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 34-36-сон, 267-модда; 2006 й., 11-сон, 93-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 14 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 4 февралдаги ПФ–3205-сон Фармонига мувофиқ улгуржи савдо корхоналарига солиқ солишдаги ўзгаришлар тўғрисида»ги 56, 2003-45-сон қарори (2003 йил 28 апрель, рўйхат рақами 1237 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 7-8-сон);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 7 июлдаги «Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ялпи даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 76, 2003-62-сон қарори (2003 йил 21 июль, рўйхат рақами 1260 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 13-14-сон; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 5-6-сон, 52-модда; 41-42-сон, 322-модда; 2006 й., 11-сон, 96-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 18 январдаги «Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ялпи даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 11, 2005-9-сон қарори (2005 йил 8 февраль, рўйхат рақами 1260-1 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 5-6-сон, 52-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 2 августдаги «Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 69, 2005-45-сон қарори (2005 йил 2 август, рўйхат рақами 1501 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 30-31-сон, 239-модда; 2006 й., 18-сон, 152-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 19 августдаги «Лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахсларнинг ялпи тушумидан ягона солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги 80, 2005-48-сон қарори (2005 йил 26 август, рўйхат рақами 1234-1 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 34-36-сон, 267-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 30 сентябрдаги «Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ялпи даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 95, 2005-53-сон қарори (2005 йил 13 октябрь, рўйхат рақами 1260-2 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 41-42-сон, 322-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 24 февралдаги «Лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахсларнинг ялпи тушумидан ягона солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 20, 2006-12-сон қарори (2006 йил 13 март, рўйхат рақами 1234-2 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 11-сон, 93-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 24 февралдаги «Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ялпи даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 12, 2006-19-сон қарори (2006 йил 16 март, рўйхат рақами 1260-3 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 11-сон, 96-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 24 февралдаги «Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 19, 2006-11-сон қарори (2006 йил 29 апрель, рўйхат рақами 1501-1 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 18-сон, 152-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 25 майдаги «Ягона солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 47, 2006-25-сон қарори (2006 йил 5 июль, рўйхат рақами 1590 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 27-сон, 254-модда).

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Молия вазири** **Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 28 февраль,
26-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси** **Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 28 февраль,
2007-22-сон

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2007 йил 28 февралдаги
26, 2007-22-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

## Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Ушбу Низом, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–3620-сон Фармонига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 25-26-сон, 177-модда; 2006 й., 28-29-сон, 262-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ–532-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 51-52-сон, 507-модда) мувофиқ ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибини белгилайди.

### I. Умумий қоидалар

1. Ягона солиқ тўлови барча умумбелгиланган солиқлар ва мажбурий тўловлар ўрнига тўланади, қуйидагилар бундан мустасно:

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан бажарилган (кўрсатилган) ишлар (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи;

акциз солиғи (акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарилганда);

ер остидан фойдаланганлик учун солиқ;

божхона тўловлари;

давлат божлари;

айрим товар турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим;

ягона ижтимоий тўлов;

олинган ва вақтинчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари қийматидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига йиғимлар.

2. Ягона солиқ тўловини тўлашда солиқ тўловчиларда солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлов манбаида ушлаб қолиш ҳамда бюджетга ўтказиш мажбуриятлари ҳам сақланиб қолади.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар суммаси ушлаб қолинмаганда, даромад тўловчи юридик шахс ушлаб қолинмаган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини ҳамда у билан боғлиқ жарималар ва пеняни бюджетга тўлаши шарт.

3. Ушбу Низомнинг 1 ва 2-бандларида кўрсатилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш билан бир қаторда ягона солиқ тўлови тўловчилари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда юридик шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим ва атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштирганлик учун компенсация тўловларини ҳам тўлайдилар.

4. Йил мобайнида солиқ солиш тартиби ўзгарганда, ушбу Низомда назарда тутилган ҳолларда, солиқ тўловчиларда ўша даврда амал қилган солиқ солиш тартибидан келиб чиққан ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашга доир мажбуриятлари сақланиб қолади.

## II. Ягона солиқ тўлови тўловчилари

5. Ягона солиқ тўлови тўловчилари қуйидагилар ҳисобланади:

а) микрофирмалар ва кичик корхоналар, ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилганлар бундан мустасно;

б) ишчилар сонидан қатъи назар:

савдо ва умумий овқатланиш корхоналари;

хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар;

лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил қилиш доирасида фаолият кўрсатадиган юридик шахслар.

6. Ягона солиқ тўлови қуйидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга татбиқ этилмайди:

а) алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқаришни амалга оширувчиларга (Пиво ишлаб чиқариш алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳисобланмайди);

б) ягона ер солиғи ва қатъий белгиланган солиқ тўлашни назарда тутадиган фаолият доирасида;

в) маҳсулот тақсимотига оид битимлар қатнашчиларига;

г) берилган лицензияга мувофиқ гастроль-концерт фаолиятини амалга оширувчиларга.

7. Микрофирмалар ва кичик корхоналарга ишчилар сони бўйича қонун ҳужжатлари билан белгиланган мезонга мос келадиган юридик шахслар киради.

Бунда:

а) ходимлар сони ҳисобот даври учун ходимларнинг ўртача йиллик сонидан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

б) ходимларнинг ўртача йиллик сонини аниқлашда ўриндошлик, пудрат шартномалари ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ишчилар, шунингдек унитар (шўъба) корхоналар, филиаллар ва ваколатхоналарда ишлаётганлар сони ҳам ҳисобга олинади;

в) юридик шахсларни микрофирмалар ва кичик корхоналарга тегишлилигини аниқлашда юридик шахснинг асосий (соҳа) фаолият турига тўғри келадиган ишчилар сонининг мезони қабул қилинади.

8. Савдо (умумий овқатланиш) корхоналарига, солиқ солиш мақсадларида, ўтган ҳисобот йили якуни бўйича асосий (соҳа) фаолият тури савдо фаолияти (умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият) ҳисобланадиган юридик шахслар киради.

Савдо фаолияти деганда қайта сотиш мақсадида харид қилинган товарларни сотиш бўйича фаолият тушунилади.

Қуйидагилар савдо фаолияти сифатида қаралмайди:

ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ҳисобланадиган товарларни реализация қилиш, жумладан уларни мустақил юридик шахс ҳисобланмайдиган фирма дўконлари орқали реализация қилиш;

комиссионер (ишончли вакил) томонидан воситачилик (топшириқ) шартномалари бўйича товарларни реализация қилиш, жумладан давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни реализация қилиш;

тайёрлов ва таъминот-сотиш фаолияти билан шуғулланадиган корхоналар томонидан товарларни реализация қилиш.

9. Ушбу Низомни қўллаш мақсадида реализация (товарайланмаси)нинг умумий йиллик ҳажмида тушум улуши аксарият қисмини ташкил этган фаолият тури, асосий (соҳа) фаолият тури ҳисобланади.

Агар жорий йил якуни бўйича реализация (товарайланмаси)нинг умумий йиллик ҳажмида тушум улуши фаолият турлари бўйича бир хил миқдорни ташкил этса, асосий (соҳа) фаолият тури ўтган ҳисобот йил якуни бўйича аниқланади.

## III. Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

10. Микрофирмалар ва кичик корхоналар солиқ солишнинг ягона солиқ тўлови тўлашни назарда тутувчи соддалаштирилган тартибини ёки умумбелгиланган тартибдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашни танлашга ҳақли, ушбу Низом 5-бандининг «б» кичик бандида кўрсатилганлар бундан мустасно.

Ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш учун фаолият кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар келгуси чорак бошлангунга қадар камида бир ой олдин, янги ташкил этилганлар эса, улар рўйхатга олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига ушбу Низомнинг 1-сон иловасига мувофиқ шаклда ёзма равишда хабар қиладилар.

11. Микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашдан ихтиёрий равишда воз кечган тақдирда, ҳисобот чораги тугаганидан сўнг 10 кун мобайнида давлат солиқ хизмати органларига ушбу Низомнинг 1-сон иловасига мувофиқ шаклда тақдим қилинадиган хабарнома асосида кейинги ҳисобот чорагидан бошлаб умумбелгиланган тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашга ўтадилар.

12. Ҳисобот йили тугаши билан ушбу Низомнинг 7-бандида белгиланган ишчилар сони мезонига мос келмайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналар ушбу Низомнинг 1-сон иловасига мувофиқ шаклда давлат солиқ хизмати органларига

йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиш муддатларидан кечиктирмай тақдим қилинадиган хабарнома асосида кейинги ҳисобот йилидан бошлаб умумбелгиланган тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашга ўтадилар.

13. Ушбу Низомнинг 12-бандида кўрсатилган солиқ тўловчилар ягона солиқ тўлови тўлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлган ўтган ҳисобот йили учун умумбелгиланган тартибда ҳисоблаб чиқилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар асосида ягона солиқ тўлови бўйича қайта ҳисоб-китоб ўтказади.

Ягона солиқ тўлови бўйича қайта ҳисоб-китоб ўтказиш учун солиқ тўловчилар йил якуни бўйича ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига қуйидагиларни тақдим этадилар:

а) қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шаклда умумбелгиланган тартибда ҳисоблаб чиқарилган ҳар бир солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни;

б) ушбу Низомнинг 2-сон иловасига мувофиқ шаклда ҳисоблаб чиқарилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаси тўғрисидаги маълумотномани;

Бутун корхона бўйича умумбелгиланган тартибда ҳисоблаб чиқарилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаси ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммасидан ошганда, ошган сумма бюджетга тўланиши лозим ҳамда ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби шаклининг 160-сатрида акс эттирилади.

Ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммаси бутун корхона бўйича умумбелгиланган тартибда ҳисоблаб чиқарилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасидан ошганда, бюджет билан қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилмайди.

Ягона солиқ тўлови бўйича қайта ҳисоб-китобларни ўтказиш товар (иш, хизмат)ларни харид қилувчилар билан тегишли қайта ҳисоб-китобларсиз ўтказилади.

Бунда агар ушбу банднинг «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилган ҳисоб-китоблар ва маълумотнома:

йил якуни бўйича ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай тақдим этилса, молиявий жарималар қўлланилмайди;

йил якуни бўйича ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш муддатидан кейин тақдим этилса, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда молиявий жарималар қўлланилади.

14. Ягона солиқ тўлови тўлашдан умумбелгиланган тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашга ўтган микрофирмалар ва кичик корхоналар:

а) камида 12 ойдан кейин ягона солиқ тўлови тўлаш тартибига яна ўтишга ҳақлилар;

б) умумбелгиланган тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашга ўтган биринчи ҳисобот чораги учун фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий тўловларни тўламайдилар.

## IV. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

15. Ўтган йил якуни бўйича асосий (соҳа) фаолият тури савдо фаолияти (умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият) ҳисобланган юридик шахслар ушбу Низомда белгиланган тартибда ҳисобот йили бошидан бошлаб ягона солиқ тўловини тўлашлари шарт.

Савдо (умумий овқатланиш) корхоналари сифатида рўйхатдан ўтган янги таш-

кил этилган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб жорий йил тугагунига қадар, 1 октябрдан кейин рўйхатдан ўтган юридик шахслар эса, келгуси йил тугагунига қадар ягона солиқ тўловини тўлашади.

16. Агар юридик шахслар ҳисобот йили якуни бўйича савдо (умумий овқатланиш) корхонасига мансуб бўлмаса, келгуси йил бошидан бошлаб умумбелгиланган тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашга ўтишлари шарт, солиқ солиш тартибини танлаш ҳуқуқи сақлаб қолинадиган микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно.

Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар ушбу Низомнинг 8-бандида белгиланган шартларга жавоб бермаган ҳисобот йили тугагандан кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирмай рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига ушбу Низомнинг 1-сон иловасига мувофиқ шаклда солиқ солиш тартибини танлаганлиги тўғрисида хабарнома тақдим қилишлари шарт. Солиқ тўловчи томонидан хабарномани белгиланган муддатда тақдим этилмаслиги у томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни умумбелгиланган тартибда тўлашга розилигини англатади.

17. Ягона солиқ тўлови тўлашдан умумбелгиланган тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашга ўтган ушбу Низомнинг 16-бандида кўрсатилган юридик шахслар умумбелгиланган тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашга ўтган биринчи ҳисобот чораги учун фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий тўловларни тўламайдилар.

## V. Алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш

18. Ягона солиқ тўловининг турли солиқ солиш объектлари ва (ёки) ставкалари белгиланган бир неча фаолият турлари билан шуғулланадиган ягона солиқ тўлови тўловчилари шу фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ва тўловчининг тегишли тоифалари учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўловини тўлашлари шарт. Бунда, ушбу Низом 28-бандининг 2 — 4 кичик бандларида кўрсатилган даромадлар асосий (соҳа) фаолият тури учун белгиланган ягона солиқ тўлови ставкаси бўйича солиқ солинади.

Мажбурий равишда алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш умумбелгиланган тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлайдиган (ягона солиқ тўлови тўловчилари тоифасига мансуб бўлмаган) юридик шахсларга татбиқ этилмайди. Масалан, агар йирик ишлаб чиқариш корхонаси асосий фаолияти билан бир қаторда у учун соҳа фаолият тури бўлмаган савдо фаолияти (умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият) билан шуғулланса, савдо фаолияти (умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият) бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритмайди, чунки мазкур корхона бутунлай ягона солиқ тўлови тўловчиси ҳисобланмайди.

19. Лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил қилиш бўйича фаолиятга ягона солиқ тўлови солинишини ҳисобга олган ҳолда мазкур фаолият билан бир қаторда бошқа фаолият билан шуғулланадиган тўловчилар шу фаолият турлари бўйича ҳам алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари шарт.

Бунда солиқ солиш тартибини танлаш ҳуқуқи сақланиб қоладиган микрофирмалар ва кичик корхоналар бошқа фаолият турлари бўйича солиқ тўловчининг тегишли тоифалари учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўлови тўлашлари мумкин. Микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига мансуб бўлмаган со-

лиқ тўловчилар бошқа фаолият турлари бўйича умумбелгиланган тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашлари шарт.

Мазкур Тартиб асосий (соҳа) фаолияти билан бир қаторда бошқа фаолият билан шуғулланадиган ягона ер солиғи ва қатъий белгиланган солиқ тўловчиларга ҳам татбиқ этилади.

20. Агар савдо корхоналари, жумладан улгуржи ва чакана дорихона муассасалари, ягона солиқ тўловининг турли ставкалари ўрнатилган аҳоли пунктларида мустақил юридик шахслар ҳисобланмаган бир неча савдо шохобчаларига эга бўлсалар, улар ҳар бир савдо шохобчаси бўйича товарайланмасини алоҳида-алоҳида ҳисобини юритишлари ва шу аҳоли пунктлари учун ўрнатилган ставкалар бўйича ягона солиқ тўловини тўлашлари шарт.

Бунда ушбу Низом 28-бандининг 2 — 4 кичик бандларида кўрсатилган даромадлар савдо корхонаси давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтган жой учун ўрнатилган ставка бўйича ягона солиқ тўловига тортилади.

## VI. Махсус қоидалар

21. Янги ташкил этилган микрофирмалар ва кичик корхоналар давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб бир йил муддатга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш, имтиёз даври тугаганидан сўнг муддати кечиктирилган ягона солиқ суммасининг 1/12 қисмини ҳар ойда тўлаш ҳуқуқига эга, ушбу Низом 5-бандининг «б» кичик бандида кўрсатилганлар бундан мустасно. Тўлов муддатини кечиктиришни белгилаш тартиби Янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисидаги низомда (2005 йил 2 август, рўйхат рақами 1502 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 30-31-сон, 240-модда) белгиланган.

22. Агар ягона солиқ тўлови тўловчилари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи солинадиган оборотларни амалга оширсалар, қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий равишда тўлашлари мумкин.

Юридик шахслар қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиш учун ҳисобот чораги бошланишидан камида бир ой олдин, янги ташкил этилганлар эса, ўз фаолиятини амалга оширишга қадар рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига ёзма равишда ушбу Низомнинг 3-сон иловасига мувофиқ шаклда хабар қиладилар.

23. Ягона солиқ тўлови тўловчилари томонидан қўшилган қиймат солиғини тўлашдан воз кечиш навбатдаги (келгуси) йил бошланишига қадар бир ойдан кечиктирмай рўйхатдан ўтган жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ушбу Низомнинг 3-сон иловасига мувофиқ шаклда тақдим этиладиган ёзма хабарнома асосида навбатдаги (келгуси) йилнинг бошидангина амалга оширилиши мумкин.

24. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

25. Агар ушбу банднинг иккинчи хатбошида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, ягона солиқ тўлови тўловчилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари бўйича ижарага олинган ер участкалари учун ижара ҳақини бюджетга тўлашдан озод қилинадилар.

Бошқа фаолият турлари бўйича умумбелгиланган тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайдиган лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил қилиш фаолиятини амалга оширадиган юри-

дик шахслар бошқа фаолият турларида фойдаланиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари бўйича ижарага олинган ер участкалари учун ижара ҳақини бюджетга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлайдилар.

26. Агар ягона солиқ тўлови тўловчиси балансида қайд этилган асосий воситаларни ижарага топширсалар, улар ижарага берилган ушбу активлар қийматидан умумбелгиланган тартибда мол-мулк солиғини тўлайдилар ҳамда уларга мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар татбиқ этилмайди.

Мазкур Тартиб мол-мулкни ижарага топшириш асосий (соҳа) фаолият тури ҳисобланган ягона солиқ тўлови тўловчиларига татбиқ этилмайди.

## VII. Солиқ солиш объекти

27. Ягона солиқ тўловининг солиқ солиш объекти ялпи тушум ҳисобланади.

28. Ялпи тушум таркибига қуйидагилар киритилади:

1) қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегирилган ҳолдаги товар (иш, хизмат)ларни реализация қилишдан тушум.

Товар (иш, хизмат)ларни реализация қилишдан тушум деганда қуйидагилар тушунилади:

қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун — ўз кучлари билан бажарган ишлар қиймати;

лизинг компаниялари учун — лизинг берувчининг даромади (маржа);

савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун — товарайланмаси;

воситачилик (топшириқ) шартномалари бўйича воситачилик хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар учун — кўрсатилган хизматлар учун ҳақ суммаси;

брокерлик ташкилотлари учун — кўрсатилган хизматлар учун ҳақ суммаси;

тайёрлов, таъминот-сотиш ташкилотлари учун — реализация қилинган товарларнинг харид ва сотиш қийматлари ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланган ялпи даромад;

лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил қилиш доирасида фаолият кўрсатадиган юридик шахслар учун — ўйин билетлари (карточка, купон, квитанция, жетон ёки бошқа хилдаги ахборот манбаи)да кўрсатилган нархда тарқатишдан тушум;

2) асосий фаолиятдан бошқа даромадлар.

Асосий фаолиятдан бошқа даромадларга қуйидагилар киради:

а) ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф этилган жарималар, пенялар, вақтида тўланмаган қарзлар ва хўжалик шартномалари шартларини бузганлик учун бошқа хил жазо жарималари;

б) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги фойда;

в) ишлаб чиқариш ва маҳсулот (иш, хизмат)ларни реализация қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан, хизмат кўрсатувчи ва ёрдамчи хизматлардан тушумлар сифатидаги бошқа даромадлар.

г) асосий воситалар ва бошқа мол-мулкни чиқиб кетишидан даромадлар;

д) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар.

е) товар-моддий бойликларни қўшимча баҳолаш. Товар-моддий бойликларни

қўшимча баҳолаш суммаси маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализация қилинишига қараб солиқ солинадиган ялпи тушумга киритилади;

ж) бошқа шахслардан текинга олинган мол-мулк;

з) бошқа шахслардан текинга олинган молиявий ёрдам;

и) қисқа муддатли ижарадан даромадлар;

к) бошқа операцион даромадлар, қуйидаги олинган даромадлардан ташқари:

етказиб берувчилардан чегирмалар кўринишидаги;

илгари чиқариб ташланган харажатларни қоплаш кўринишидаги;

асосий воситаларни тугатишда илгариги нархини арзонлаштириш суммасидан ошадиган қўшимча баҳолаш суммаси ҳисобига;

3) молиявий фаолиятдан даромадлар.

Молиявий фаолиятдан даромадлар таркибига қуйидагилар киритилади:

а) олинган роялтилар ва капитал трансферти;

б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улуш қўшган ҳолда қатнашишдан олинган даромад, акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар ҳамда хўжалик юритувчи субъектга тегишли қимматли қоғозлар бўйича даромадлар;

в) мол-мулкни узоқ муддатли ижарага (лизингга) беришдан олинган даромадлар (маржа);

г) чет эл валютасидаги операциялар бўйича курсдаги фарқдан даромадлар. Бунда, баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашда курсдаги фарқдан даромад бўлиб, мусбат ва манфий курс фарқлари ўртасидаги сальдо ҳисобланади. Манфий курс фарқи суммаси мусбат курс фарқи суммасидан ошиб кетган ҳолда ошган сумма ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқарилаётганда солиқ солинадиган базани камайтирмайди;

д) қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашларни ўтказишдан даромадлар;

е) молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар;

4) фавқулодда даромадлар.

## VIII. Солиқ солиш базаси

29. Қуйидагиларни чегириб ташлаган ҳолда ушбу Низомнинг 28-бандига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган ялпи тушум солиқ солиш базаси ҳисобланади:

а) қўшилган қиймат солиғи тўловчилари учун қўшилган қиймат солиғини, шунингдек акциз солинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда акциз солиғини;

б) давлат субсидияларини;

в) давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар;

г) тўлов манбаида ушлаб қолиниши лозим бўлган дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадлар;

д) дивидендлар кўринишида олинган ҳамда дивиденд тўлаган юридик шахснинг устав фондига (капиталига) йўналтирилган даромадлар;

е) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини устав капиталини оширишга йўналтиришда акциядорлар қўшимча акцияларнинг қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тарзида олган даромадлари;

ж) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги фойда. Мазкур даромадлар қайси даврда пайдо бўлган бўлса, ўша даврдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ шу даврдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни ўтказишни ҳисобга олган ҳолда солиққа тортилади.

з) олинган грантлар. Грант деганда ижтимоий аҳамиятга эга мақсадни кўзла-

ган, иқтисодиётни ривожлантириш, илмий-техник ва инновацион дастурларни бажариш учун корхонага давлат (ҳукумат), шунингдек нодавлат, хорижий, халқаро ташкилотлар ва жамғармалар томонидан кўрсатиладиган текин, гуманитар маблағли ёки моддий-техник ёрдам тушунилади. Грант маблағлари қатъий равишда белгиланган мақсадларга ишлатилади.

и) кўп оборотли қайтариладиган таранинг қиймати, агар унинг қиймати товар (иш, хизмат)ларни реализация қилишдан тушумнинг таркибига илгари киритилган бўлса;

к) қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чегирмалар.

30. Ушбу Низомнинг 29-бандида назарда тутилган чегирмалардан ташқари солиқ солиш базаси қуйидагиларга камайтирилади:

а) автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари учун:

жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ суммасига;

маҳаллий бюджетга ўтказилиши лозим бўлган автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари учун белгиланган юқори устамасидан ошадиган чакана ва харид нархлари ўртасидаги фарқ суммасига.

б) лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил қилиш доирасида фаолият кўрсатадиган юридик шахслар учун — белгиланган ютуқлар (совринлар) фондининг энг кам миқдорига;

в) брокерлик ташкилотлари учун — битим суммасидан биржага ўтказиладиган воситачилик йиғими суммасига;

г) воситачилик (топшириқ) шартномалари бўйича воситачилик хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар учун — реализация қилинган товар ҳиссасида товарларни четдан олиб киришда тўланган божхона тўловлари суммасига.

## IX. Ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзлар

31. Ягона солиқ тўловини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

а) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва Ўзбекистон чернобилчилари ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар, 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этган юридик шахслар, асосий (соҳа) фаолияти қуйидагилар ҳисобланган корхоналар бундан мустасно:

савдо фаолияти ва (ёки) умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият;

тайёрлов ва (ёки) таъминот-сотиш фаолияти;

брокерлик хизматларини кўрсатиш;

воситачилик (топшириқ) шартномалари бўйича воситачилик хизматларини кўрсатиш, жумладан давлат даромадларига ўтказиш лозим бўлган мол-мулкни реализация қилиш;

лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил қилиш фаолияти;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги минтақавий лотереяларни ташкил этиш бўйича ихтисослаштирилган хўжалик ҳисобидаги тузилмалар — бўшаётган маблағларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарорларига кўра минтақани ижтимоий ривожлантириш чора-тадбирлари ва дастурларини амалга оширишга мақсадли йўналтирган ҳолда лотерея-

лар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ташкил этишдан олинадиган ялпи тушум бўйича.

### X. Ягона солиқ тўлови ставкалари

32. Ягона солиқ тўлови ставкалари солиқ тўловчилар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади.

33. Ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматларнинг (ишларни бажарилган, хизматларни кўрсатилган жойидан қатъи назар) эркин алмаштириладиган валютадаги экспорт улуши қуйидагиларни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун:

агар реализациянинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача бўлса — белгиланган ставка 30 фоизга камаяди;

агар реализациянинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан кўп бўлса — белгиланган ставка 50 фоизга камаяди.

Реализациянинг умумий ҳажми деганда барча фаолият турларидан олинган тушум суммаси тушунилади. Бунда экспортнинг улуши ортиб борувчи якун билан аниқланади.

Экспорт улушини ҳисоблаб чиқаришда қуйидагилар экспорт ҳажмига киритилмайди:

а) ўзи ишлаб чиқарган хом ашё товарларини — пахта толаси, ип калава, пахта линти, хом нефть, газ конденсати, нефть маҳсулотлари, табиий газ, электр энергияси, қимматбаҳо, рангли ва қора металлар, рангли ва қора металлар парчалари ва чиқиндиларини реализация қилишдан;

б) савдо фаолияти ва умумий овқатланиш соҳасидаги фаолиятдан;

в) брокерлик хизматларидан;

г) воситачилик (топшириқ) шартномалари бўйича воситачилик хизматлари, жумладан давлат даромадларига ўтказиш лозим бўлган мол-мулкни реализация қилишдан;

д) тайёрлов ва таъминот-сотиш фаолиятидан;

е) лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил қилиш фаолиятидан.

Бунда агар экспортчи корхона бир неча фаолият турлари билан шуғулланса, ягона солиқ тўлови ставкаси ушбу банднинг «а» — «е» кичик бандларида кўрсатилган фаолият турлари бўйича тўғриланмайди.

34. Хизмат соҳасидаги корхоналар, жумладан савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун пластик карточкалар қўлланиб тўланган кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича ягона солиқ тўловининг ўрнатилган ставкаси 10 фоизга пасайтирилади.

### XI. Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш, ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва тўлаш тартиби

35. Солиқ тўловчилар ягона солиқ тўловини мустақил равишда солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарадилар.

Бунда ихтиёрий равишда тўланадиган қўшилган қиймат солиғи тўловчилари учун ягона солиқ тўлови суммаси бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммасига, бироқ ягона солиқ тўлови суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорига камаяди.

Агар солиқ тўловчилар қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий равишда тўлашга

календарь йилининг бошидан бошлаб ўтмаган бўлсалар, қўшилган қиймат солиғи ҳисобланган чоракларга тўғри келадиган ягона солиқ тўлови суммасининг қисмигагина камайтирилади.

36. Ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоби рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан қуйидаги муддатларда тақдим этилади:

а) микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатларда;

б) микрофирмалар ва кичик корхоналарга мансуб бўлмаган корхоналар томонидан — ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатларда.

Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби солиқ тўловчилар томонидан ушбу Низомнинг 4-сон иловасига мувофиқ шаклда тақдим этилади.

Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тўлдиришнинг шартли мисоли ушбу Низомнинг 5-сон иловасида келтирилади.

37. Ягона солиқ тўловини тўлаш ортиб борувчи якун билан ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилади.

38. Ягона солиқ тўлови бўйича ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш ҳисобварағида юритилади. Белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқарилган ягона солиқ тўлови солиқ ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олиш ҳисобварағи дебети ҳамда бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш ҳисобварағи кредити бўйича акс эттирилади.

Ягона солиқ тўловининг ўтказилган суммалари бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш ҳисобварағининг дебети ва пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварағининг кредити бўйича акс эттирилади.

## XII. Якунловчи қоидалар

39. Солиқ тўловчилар ягона солиқ тўловини тўғри ҳисоблаб чиқилиши, ўз вақтида ҳисоб-китобларни тақдим этилиши ва тўланиши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

40. Мазкур Низомнинг тўғри қўлланиши устидан назоратни давлат солиқ хизмати органлари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширадилар.

Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб
чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги
низомга
1-ИЛОВА

______________________________
Давлат солиқ инспекциясига

## ХАБАРНОМА

________________________________________________,
(солиқ тўловчининг тўлиқ номи)

________________________________________________
(почта индекси, шаҳар (туман, қишлоқ),

______________________________________ манзилда жойлашган
кўчанинг номи ва уй (хонадон)нинг рақами

______________________________________ амалга оширадиган
(асосий (соҳа) фаолият тури)

Сизни хабардор қиладики, __________________________ дан бошлаб
(ўтиш санаси)

______________________________________ фаолият доирасида
____________________________________ ни тўлаш тартибига ўтади.
(ягона солиқ тўлови ёки солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар)

### Солиқ тўловчи тўғрисида маълумотлар

1. Давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳнома | | | | | | | |

2. СТИР | | | | | | | | | |      3. ХХТУТ | | | | | |

4. Ишчилар сони | | | |

5. Телефон: код | | | | | | |   рақам | | | | | | | | |

6. Фаолият:

| | | | |
|---|---|---|---|
| Асосий (соҳа) | | тушум улуши | % |
| Бошқа фаолият турлари: | | тушум улуши | % |
| | | тушум улуши | % |
| | | тушум улуши | % |
| | | тушум улуши | % |

Изоҳ: Мазкур хабарнома икки нусхада рўйхатдан ўтказилган жойдаги Давлат солиқ инспекциясига тақдим этилади. Давлат солиқ инспекцияси хабарнома олингани тўғрисида белги қўяди ва хабарноманинг бир нусхасини кейинги кундан кечиктирмай ариза берувчига қайтаради.

| **Мазкур хабарномада кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини тасдиқлайман:** | **Давлат солиқ хизмати органининг ходими томонидан тўлдирилади** |
|---|---|
| Раҳбар:<br>СТИР<br>Ф. И. Ш.<br>Имзо<br><br>Бош ҳисобчи<br>СТИР<br>Ф. И. Ш.<br>Имзо<br><br>Сана (кк/оо/йй) | Ушбу хабарнома<br>(кераклигига «V» белгиси қўйилсин)<br>қоғозда электрон кўринишида<br><br>шахсан почта орқали электрон почта орқали<br>варақда тақдим этилди<br><br>Тақдим этилган сана<br>(кк/оо/йй)<br>Ф.И.Ш.<br>Имзо |

М.Ў.

Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб
чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

СТИР

Юридик шахснинг тўлиқ номи

Маълумотномани тақдим этиш муддати (кун/ой/йил)

_______________ га тақдим этилади
(рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати органининг номи)

## Ҳисоблаб чиқарилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаси тўғрисида МАЪЛУМОТНОМА

| Тўловлар номи | Сатр коди | Сумма (сўм) |
|---|---|---|
| Ҳисоблаб чиқарилган ягона солиқ тўлови | 010 | |
| Умумбелгиланган тартибда ҳисоблаб чиқарилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар — жами (0201 – 020... сатрлар суммаси) | 020 | |
| шу жумладан: (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар турлари бўйича алоҳида кўрсатилади) | | |
| | 0201 | |
| | 0202 | |
| | 0203 | |
| | 0204 | |
| | 0205 | |
| | 0206 | |
| | 0207 | |
| | 0208 | |
| | 020... | |
| Ҳисоблаб чиқарилган ягона солиқ тўлови ва умумбелгиланган тартибда ҳисоблаб чиқарилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ўртасидаги фарқ (010-сатр – 020-сатр) | 030 | |

| **Мазкур хабарномада кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини тасдиқлайман:** | **Давлат солиқ хизмати органининг ходими томонидан тўлдирилади** |
|---|---|
| Раҳбар:<br>СТИР ☐☐☐☐☐☐☐☐☐<br>Ф. И. Ш. ______<br>Имзо ______<br><br>Бош ҳисобчи<br>СТИР ☐☐☐☐☐☐☐☐☐<br>Ф. И. Ш. ______<br>Имзо ______<br><br>Сана (кк/оо/йй) ☐☐ ☐☐ ☐☐☐☐ | Ушбу хабарнома<br>(кераклигига «V» белгиси қўйилсин)<br>☐ қоғозда ☐ электрон кўринишида<br>☐ шахсан ☐ почта орқали ☐ электрон почта орқали<br>☐☐☐ варақда тақдим этилди<br>Тақдим этилган сана ☐☐ ☐☐ ☐☐☐☐<br>(кк/оо/йй)<br>Ф.И.Ш. ______<br>Имзо |

М.Ў.

Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

______________________________
Давлат солиқ инспекциясига

## ХАБАРНОМА

______________________________________________________________,
(солиқ тўловчининг тўлиқ номи)

______________________________________________________________
(почта индекси, шаҳар (туман, қишлоқ),

______________________________________________ манзилда жойлашган
кўчанинг номи ва уй (хонадон)нинг рақами

______________________________________________ амалга оширадиган
(асосий (соҳа) фаолият тури)

Сизни хабардор қиладики, ______________________________ дан бошлаб
(ўтиш санаси)

ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтади/тўлашдан воз кечади.
(кераклигининг тагига чизилсин)

**Солиқ тўловчи тўғрисида маълумотлар**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳнома ☐☐☐☐☐☐☐

2. СТИР ☐☐☐☐☐☐☐☐☐ 3. ХХТУТ ☐☐☐☐☐

4. Ишчилар сони ☐☐☐

5. Телефон: код ☐☐☐☐☐ рақам ☐☐☐☐☐☐☐

| **Мазкур хабарномада кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини тасдиқлайман:** | **Давлат солиқ хизмати органининг ходими томонидан тўлдирилади** |
|---|---|
| Раҳбар:<br>СТИР □□□□□□□□□<br>Ф. И. Ш. ____<br>Имзо ____<br><br>Бош ҳисобчи<br>СТИР □□□□□□□□□<br>Ф. И. Ш. ____<br>Имзо ____<br><br>Сана (кк/оо/йй) □□ □□ □□□□ | Ушбу хабарнома<br>(кераклигига «V» белгиси қўйилсин)<br>□ қоғозда □ электрон кўринишида<br><br>□ шахсан □ почта орқали □ электрон почта орқали<br>□□□ варақда тақдим этилди<br><br>Тақдим этилган сана □□ □□ □□□□<br>(кк/оо/йй)<br>Ф.И.Ш. ____<br>Имзо |

М.Ў.

Изоҳ: Мазкур хабарнома икки нусхада рўйхатдан ўтказилган жойдаги Давлат солиқ инспекциясига тақдим этилади. Давлат солиқ инспекцияси хабарнома олингани тўғрисида белги қўяди ва хабарноманинг бир нусхасини кейинги кундан кечиктирмай ариза берувчига қайтаради.

Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб
чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

СТИР □□□□□□□□□ варақ 0 1

Ҳужжат тури □ / □ Ҳисобот даври □□ ой/чорак Ҳисобот йили □□□□
(кераклигининг тагига чизилсин)

Ҳужжат тури: 1 – расчет, 2 – қайта ҳисоб-китоб (каср орқали қайта ҳисоб-китобнинг рақами)

**Ягона солиқ тўлови тўловчиси тўғрисида маълумот**

Юридик шахснинг тўлиқ номи ____
____

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Асосий фаолият тури | 1. | ҳар бир фаолият | | | | , | | % |
| Бошқа фаолият турлари: | 2. | турининг товар (иш, | | | | , | | % |
| | 3. | хизмат)ларни реализация | | | | , | | % |
| | 4. | қилишдан олинган | | | | , | | % |
| | 5. | тушумдаги улуши | | | | , | | % |
| | 6. | | | | | , | | % |
| | | Жами: | 1 | 0 | 0 | , | 0 | % |

Ишчилар сони □□□□□ киши

Микрофирма Кичик корхона Йирик корхона (кераклигига «V» белгиси қўйилсин)

Давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳнома □□□□□□□

Юридик шахснинг жойлашган ери ____
Почта манзили ____

Телефон: код [ ][ ][ ][ ][ ] рақам [ ][ ][ ][ ][ ][ ][ ]

Ушбу ҳисоб-китоб [ ][ ] варақда тузилган, унга илова қилинган тасдиқловчи ҳужжатлар ёки уларнинг нусхалари [ ][ ][ ] варақда Ўлчов бирлиги [сўм]

Ҳисоб-китобни тақдим этиш муддати (кун/ой/йил) [ ][ ] [ ][ ] [ ][ ][ ][ ]

______________________________________ га тақдим этилади
(рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати органининг номи)

| **Мазкур хабарномада кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини тасдиқлайман:** | **Давлат солиқ хизмати органининг ходими томонидан тўлдирилади** |
|---|---|
| Раҳбар:<br>СТИР [ ][ ][ ][ ][ ][ ][ ][ ][ ]<br>Ф. И. Ш. ______<br>Имзо ______<br><br>Бош ҳисобчи<br>СТИР [ ][ ][ ][ ][ ][ ][ ][ ][ ]<br>Ф. И. Ш. ______<br>Имзо ______<br><br>Сана (кк/оо/йй) [ ][ ] [ ][ ] [ ][ ][ ][ ] | Ушбу хабарнома<br>(кераклигига «V» белгиси қўйилсин)<br>[ ] қоғозда [ ] электрон кўринишида<br><br>[ ] шахсан [ ] почта орқали [ ] электрон почта орқали<br>[ ][ ][ ] варақда тақдим этилди<br><br>Тақдим этилган сана [ ][ ] [ ][ ] [ ][ ][ ][ ]<br>(кк/оо/йй)<br>Ф.И.Ш. ______<br>Имзо ______ |

М.Ў.

СТИР | | | | | | | | | варақ | 0 | 2 |

**Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби**

| Кўрсаткичлар | Сатр коди | Жами | шу жумладан ягона солиқ тўлови тўловчиси тўғрисида маълумотда кўрсатилган фаолият турлари бўйича (01-варақ) | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | асосий фаолият тури — 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| Қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегирилган ҳолдаги товар (иш, хизмат)ларни реализация қилишдан тушум | 010 | | | | | | | |
| шу жумладан: | | | | | | | | |
| ўзи ишлаб чиқарган товар (иш, хизмат)ларнинг эркин алмаштириладиган валютага экспортидан, шу жумладан: | 0101 | | | | | | | |
| ставкани тузатишда ҳисобга олинадиган ўзи ишлаб чиқарган товар (иш, хизмат)ларнинг эркин алмаштириладиган валютага экспортидан | 01011 | | | | | | | |
| пластик карточкалар қўлланиб кўрсатилган хизматлардан | 0102 | | | | | | | |
| Фаолият турлари бўйича тушумнинг товар (иш, хизмат)ларни реализациясидаги жами тушумдаги салмоғи, фоизда | 0103 | 100 | | | | | | |
| Ўзи ишлаб чиқарган товар (иш, хизмат)ларнинг эркин алмаштириладиган валютага экспортидан тушумнинг товар (иш, хизмат)ларни реализация қилишдан тушумдаги салмоғи, фоизда (01011-сатр / 010-сатр х 100) | 0104 | | | | | | | |
| Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар (05-варақнинг 010-сатри) | 020 | | | х | х | х | х | х |
| Молиявий фаолиятдан даромадлар (06-варақнинг 010-сатри) | 030 | | | х | х | х | х | х |

СТИР | | | | | | | | | |  варақ | 0 | 3 |

| Кўрсаткичлар | Сатр коди | Жами | шу жумладан ягона солиқ тўлови тўловчиси тўғрисида маълумотда кўрсатилган фаолият турлари бўйича (01-варақ) | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | асосий фаолият тури – 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| Фавқулодда даромадлар | 040 | | | x | x | x | x | x |
| Ялпи тушум (010-сатр + 020-сатр + 030-сатр + 040-сатр) | 050 | | | | | | | |
| Ялпи тушумдан чиқариб ташланадиган суммалар (07-варақнинг 010-сатри) | 060 | | | | | | | |
| Солиқ солиш базаси (050-сатр – 060-сатр) | 070 | | | | | | | |
| Ягона солиқ тўловининг белгиланган ставкаси | 080 | x | | | | | | |
| Ўзи ишлаб чиқарган товар (иш ва хизмат)ларни эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилишдан тушумга солиқ солиш учун ягона солиқ тўловининг тузатилган ставкаси | 090 | x | | | | | | |
| пластик карточкалар қўлланиб кўрсатилган хизматлардан тушумга солиқ солиш учун ягона солиқ тўловининг тузатилган ставкаси [090-сатр – (090-сатр x 10%)] | 100 | x | | | | | | |
| Ягона солиқ тўловининг суммаси — жами (1101-сатр + 1102-сатр) | 110 | | | | | | | |
| пластик карточкалар қўллашдан тушум қисмида (0102-сатр x 100-сатр) | 1101 | | | | | | | |
| бошқа тушум бўйича [(070-сатр – 0102-сатр) x 090-сатр] | 1102 | | | | | | | |
| Бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси | 120 | | x | x | x | x | x | x |

СТИР | | | | | | | | | | варақ | 0 | 4 |

| Кўрсаткичлар | Сатр коди | Жами | шу жумладан ягона солиқ тўлови тўловчиси тўғрисида маълумотда кўрсатилган фаолият турлари бўйича (01-варақ) | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | асосий фаолият тури – 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| Ягона солиқ тўлови суммасини камайтирадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси (120-сатр, бироқ 110-сатр x 50 фоиздан кўп эмас) | 130 | | x | x | x | x | x | x |
| Бюджетга тўланадиган ягона солиқ тўлови суммаси (110-сатр – 130-сатр) | 140 | | x | x | x | x | x | x |
| Аввалги давр учун ҳисоб-китоб бўйича ягона солиқ тўловининг ҳисобланган суммаси | 150 | | x | x | x | x | x | x |
| Қўшимча тўлашга | 160 | | x | x | x | x | x | x |
| Камайтиришга | 170 | | x | x | x | x | x | x |
| Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракатини ривожлантириш жамғармасига ўтказиладиган ягона солиқ тўлови суммаси (150-сатр x 5%) | 180 | | x | x | x | x | x | x |

Изоҳ:

1. 0102-сатр пластик карточкалар қўллаб хизмат кўрсатадиган хизмат соҳасидаги корхоналар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан тўлдирилади.

2. 060-сатр корхона бўйича тўлдирилади, корхона 06-варақнинг 100-140-сатрларда назарда тутилган чегирмалар белгиланган фаолият турлари билан шуғулланган ҳоллар бундан мустасно.

3. 080-сатрда амалга оширилаётган фаолият турига қараб ягона солиқ тўлови ставкаси кўрсатилади.

4. Агар корхона белгиланган ставкани экспорт улушига боғлиқ ҳолда тузатмаса, у ҳолда 090-сатрда 080-сатрдаги белгиланган ставка кўрсатилади.

5. Қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган юридик шахслар 120 ва 130-сатрларга «0» қўядилар.

6. 180-сатр Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракатини ривожлантириш жамғармаси маҳаллий бўлимлари билан ўзаро қўллаб-қувватлаш тўғрисида шартномалар тузган солиқ тўловчилар (ушбу Низом 5-бандининг «б» кичик бандида кўрсатилганлар бундан мустасно) томонидан тўлдирилади.

Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобига
1-ИЛОВА

СТИР | | | | | | | | | | варақ | 0 | 5 |

**Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар**

| Кўрсаткич | Сатр коди | Сумма |
|---|---|---|
| Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар — жами | 010 | |
| шу жумладан: | | |
| ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф этилган жарималар, пенялар, вақтида тўланмаган қарзлар ва хўжалик шартномалари шартларини бузганлик учун бошқа хил жазо жарималари | 020 | |
| ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги фойда | 030 | |
| ишлаб чиқариш ва маҳсулот (иш, хизмат)ларни реализация қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан, хизмат кўрсатувчи ва ёрдамчи хизматлардан тушумлар сифатидаги бошқа даромадлар | 040 | |
| асосий воситалар ва бошқа мол-мулкни чиқиб кетишидан даромадлар | 050 | |
| қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар | 060 | |
| товар-моддий бойликларни қўшимча баҳолаш | 070 | |
| бошқа шахслардан текинга олинган мол-мулк | 080 | |
| бошқа шахслардан текинга олинган молиявий ёрдам | 090 | |
| қисқа муддатли ижарадан даромадлар | 100 | |
| бошқа операцион даромадлар — жами | 110 | |
| шу жумладан: | 1101 | |
| | 1102 | |
| | 1103 | |
| | 1104 | |
| | 1105 | |

Изоҳ:

030-сатрда кўрсатилган даромадлар қайси даврда пайдо бўлган бўлса, ўша даврдаги солиқлар бўйича тегишли қайта ҳисоб-китобларни ўтказишни ҳисобга олган ҳолда солиққа тортилади.

Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобига
2-ИЛОВА

СТИР □□□□□□□□□ варақ 0 6

**Молиявий фаолиятдан даромадлар**

| Кўрсаткич | Сатр коди | Сумма |
|---|---|---|
| Молиявий фаолиятдан даромадлар — жами | 010 | |
| шу жумладан: | | |
| олинган роялтилар ва капитал трансферти | 020 | |
| Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улуш қўшган ҳолда қатнашишдан олинган даромад, акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар ҳамда хўжалик юритувчи субъектга тегишли қимматли қоғозлар бўйича даромадлар | 030 | |
| мол-мулкни узоқ муддатли ижарага (лизингга) беришдан олинган даромадлар (маржа) | 040 | |
| чет эл валютасидаги операциялар бўйича курсдаги фарқдан даромадлар | 050 | |
| қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашларни ўтказишдан даромадлар | 060 | |
| молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар — жами | 070 | |
| шу жумладан: | | |
| | 0701 | |
| | 0702 | |
| | 0703 | |
| | 0704 | |
| | 0705 | |

Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобига
3-ИЛОВА

СТИР □□□□□□□□□ варақ 0 7

**Ялпи тушумдан чиқариб ташланадиган суммалар**

| Кўрсаткич | Сатр коди | Сумма |
|---|---|---|
| Ялпи тушумдан чиқариб ташланадиган суммалар — жами | 010 | |
| Давлат субсидияси | 020 | |
| Давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар | 030 | |
| Тўлов манбаида солиққа тортилиши лозим бўлган дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадлар | 040 | |
| Дивидендлар кўринишида олинган ҳамда дивиденд тўлаган юридик шахснинг устав фондига (капиталига) йўналтирилган даромадлар | 050 | |

| Кўрсаткич | Сатр коди | Сумма |
|---|---|---|
| Ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини устав капиталини оширишга йўналтиришда акциядорлар қўшимча акцияларнинг қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тарзида олган даромадлари | 060 | |
| Ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги фойда | 070 | |
| Олинган грантлар | 080 | |
| Кўп оборотли қайтариладиган таранинг қиймати, агар унинг қиймати товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган тушумнинг таркибига илгари киритилган бўлса | 090 | |
| Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиғи | 100 | |
| Маҳаллий бюджетга ўтказилиши лозим бўлган автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари учун белгиланган юқори устамасидан ошадиган чакана ва харид нархлари ўртасидаги фарқ | 110 | |
| Белгиланган ютуқлар (совринлар) фондининг энг кам миқдори | 120 | |
| Битим суммасидан биржага ўтказиладиган воситачилик йиғими суммаси | 130 | |
| Реализация қилинган товар ҳиссасида товарларни четдан олиб киришда тўланган божхона тўловлари суммаси | 140 | |
| Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чегирмалар — жами | 150 | |
| шу жумладан: | | |
| | 1501 | |
| | 1502 | |
| | 1503 | |
| | 1504 | |
| | 1505 | |

Изоҳ:

1. 070-сатрда кўрсатилган даромадлар қайси даврда пайдо бўлган бўлса, ўша даврдаги солиқлар бўйича тегишли қайта ҳисоб-китобларни ўтказишни ҳисобга олган ҳолда солиққа тортилади.

2. 100 ва 110-сатрлар фақат автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари томонидан тўлдирилади.

3. 120-сатр фақат лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил қилиш доирасида фаолият кўрсатадиган юридик шахслар томонидан тўлдирилади.

4. 130-сатр фақат брокерлик ташкилотлари томонидан тўлдирилади.

5. 140-сатр воситачилик (топшириқ) шартномалари бўйича воситачилик хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар томонидан тўлдирилади.

6. 1501 — 1505-сатрлар солиқ тўловчилар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тегишли бандлари ва номини кўрсатган ҳолда тўлдирилади.

Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб
чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

СТИР | 2 | 0 | 0 | 2 | 0 | 3 | 0 | 4 | 0 | варақ | 0 | 1 |

Ҳужжат тури [ ] / [ ] Ҳисобот даври [ | 1 ] ой/чорак Ҳисобот йили | 2 | 0 | 0 | 7 |
(кераклигининг тагига чизилсин)

Ҳужжат тури: 1 – расчет, 2 – қайта ҳисоб-китоб (каср орқали қайта ҳисоб-китобнинг рақами)

**Ягона солиқ тўлови тўловчиси тўғрисида маълумот**

Юридик шахснинг тўлиқ номи МЧЖ «Магнит»

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Асосий фаолият тури | 1. Савдо | ҳар бир фаолият | | 4 | 1 | , | 2 | % |
| Бошқа фаолият турлари: | 2. Ишлаб чиқариш | турининг товар (иш, | | 2 | 2 | , | 7 | % |
| | 3. Лотереяларни ташкил қилиш | хизмат)ларни реализация | | 2 | 0 | , | 6 | % |
| | 4. Брокерлик фаолияти | қилишдан олинган | | 1 | 5 | , | 5 | % |
| | 5. | тушумдаги улуши | | | | , | | % |
| | 6. | | | | | , | | % |
| | | Жами: | 1 | 0 | 0 | , | 0 | % |

Ишчилар сони [ | | | 2 | 5 ] киши

[ ] Микрофирма [V] Кичик корхона [ ] Йирик корхона (кераклигига «V» белгиси қўйилсин)

Давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳнома | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 7 |

Юридик шахснинг жойлашган ери Тошкент шаҳри Қорасарой кўчаси, 205 А
Почта манзили Тошкент шаҳри Абай кўчаси, 527

Телефон: код | | | 7 | 1 | 2 | рақам | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ушбу ҳисоб-китоб | | | варақда тузилган, унга илова | | | | | Ўлчов бирлиги | |
| | 0 | 7 | қилинган тасдиқловчи ҳужжатлар | 0 | 0 | 0 | варақда | | сўм |
| | | | ёки уларнинг нусхалари | | | | | | |

Ҳисоб-китобни тақдим этиш муддати (кун/ой/йил) | 2 | 5 | | 0 | 2 | | 2 | 0 | 0 | 7 |

Шайхонтахур туман Давлат солиқ инспекциясига га тақдим этилади
(рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати органининг номи )

| **Мазкур хабарномада кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини тасдиқлайман:** | **Давлат солиқ хизмати органининг ходими томонидан тўлдирилади** |
|---|---|
| Раҳбар:<br>СТИР 1 0 0 1 0 2 0 3 0<br>Ф. И. Ш. Тошпўлатова И.А.<br>Имзо<br><br>Бош ҳисобчи<br>СТИР 1 0 0 2 0 3 0 4 0<br>Ф. И. Ш.<br>Имзо<br><br>Сана (кк/оо/йй) 1 8 0 2 2 0 0 7 | Ушбу хабарнома<br>(кераклигига «V» белгиси қўйилсин)<br>V қоғозда ☐ электрон кўринишида<br><br>V шахсан ☐ почта орқали ☐ электрон почта орқали<br>0 0 6 варақда тақдим этилди<br><br>Тақдим этилган сана 1 9 0 2 2 0 0 7<br>(кк/оо/йй)<br>Ф.И.Ш. Шерматов Д.И.<br>Имзо |

М.Ў.

СТИР | 2 | 0 | 0 | 2 | 0 | 3 | 0 | 4 | 0 |                    варақ | 0 | 2 |

**Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби**
(шартли мисол)

| Кўрсаткичлар | Сатр коди | Жами | шу жумладан ягона солиқ тўлови тўловчиси тўғрисида маълумотда кўрсатилган фаолият турлари бўйича (01-варақ) | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Савдо — 1 (ас. фаолият.) | | | Иш. чиқ. — 2 | Лот. т. қ. — 3 | Брокер. — 4 | 5 | 6 |
| Қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегирилган ҳолдаги товар (иш, хизмат)ларни реализация қилишдан тушум | 010 | 19400 | 5000 | 2000 | 1000 | 4400 | 4000 | 3000 | | |
| шу жумладан: | | | | | | | | | | |
| ўзи ишлаб чиқарган товар (иш, хизмат)ларнинг эркин алмаштириладиган валютага экспортидан, шу жумладан: | 0101 | 4000 | х | х | х | 4000 | х | х | | |
| ставкани тузатишда ҳисобга олинадиган ўзи ишлаб чиқарган товар (иш, хизмат)ларнинг эркин алмаштириладиган валютага экспортидан | 01011 | 3000 | х | х | х | 3000 | х | х | | |
| пластик карточкалар қўлланиб кўрсатилган хизматлардан | 0102 | 3000 | 2000 | 1000 | 0 | х | 0 | 0 | | |
| Фаолият турлари бўйича тушумнинг товар (иш, хизмат)ларни реализациясидаги жами тушумдаги салмоғи, фоизда | 0103 | 100 | 41,2 | | | 22,7 | 20,6 | 15,5 | | |
| Ўзи ишлаб чиқарган товар (иш, хизмат)ларнинг эркин алмаштириладиган валютага экспортидан тушумнинг товар (иш, хизмат)ларни реализация қилишдан тушумдаги салмоғи, фоизда (01011-сатр / 010-сатр х 100) | 0104 | 15,5 | х | х | х | 15,5 | х | х | | |
| Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар (05-варақнинг 010-сатри) | 020 | 3320 | 3320 | х | х | х | х | х | х | х |
| Молиявий фаолиятдан даромадлар (06-варақнинг 010-сатри) | 030 | 3000 | 3000 | х | х | х | х | х | х | х |

СТИР 2 0 0 2 0 3 0 4 0 варақ 0 3

| Кўрсаткичлар | Сатр коди | Жами | шу жумладан ягона солиқ тўлови тўловчиси тўғрисида маълумотда кўрсатилган фаолият турлари бўйича (01-варақ) | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Савдо — 1 (ас. фаолият.) | | | Иш. чиқ. — 2 | Лот. т. қ. — 3 | Брокер. — 4 | 5 | 6 |
| Фавқулодда даромадлар | 040 | 0 | 0 | x | x | x | x | x | x | x |
| Ялпи тушум (010-сатр + 020-сатр + 030-сатр + 040-сатр) | 050 | 25720 | 11320 | 2000 | 1000 | 4400 | 4000 | 3000 | | |
| Ялпи тушумдан чиқариб ташланадиган суммалар (07-варақнинг 010-сатри) | 060 | 7630 | 6000 | x | x | 0 | 1600 | 30 | x | x |
| Солиқ солиш базаси (050-сатр – 060-сатр) | 070 | 18090 | 5320 | 2000 | 1000 | 4400 | 2400 | 2970 | | |
| Ягона солиқ тўловининг белгиланган ставкаси | 080 | | 5% | 3% | 1% | 10% | 33% | 33% | | |
| Ўзи ишлаб чиқарган товар (иш ва хизмат)ларни эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилишдан тушумга солиқ солиш учун ягона солиқ тўловининг тузатилган ставкаси | 090 | x | 5% | 3% | 1% | 7% | 33% | 33% | | |
| пластик карточкалар қўлланиб кўрсатилган хизматлардан тушумга солиқ солиш учун ягона солиқ тўловининг тузатилган ставкаси [090-сатр – (090-сатр x 10%)] | 100 | x | 4,5% | 2,7% | 0,99% | x | x | x | | |
| Ягона солиқ тўловининг суммаси — жами (1101-сатр + 1102-сатр) | 110 | 2403,1 | 256 | 57 | 10 | 308 | 792 | 980,1 | | |
| пластик карточкалар қўллашдан тушум қисмида (0102-сатр x 100-сатр) | 1101 | 117 | 90 | 27 | 0 | 0 | 0 | 0 | | |
| бошқа тушум бўйича [(070-сатр – 0102-сатр) x 090-сатр] | 1102 | 2286,1 | 166 | 30 | 10 | 308 | 792 | 980,1 | | |
| Бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси | 120 | 1400 | x | x | x | x | x | x | x | x |

СТИР 2 0 0 2 0 3 0 4 0 варақ 0 4

| Кўрсаткичлар | Сатр коди | Жами | шу жумладан ягона солиқ тўлови тўловчиси тўғрисида маълумотда кўрсатилган фаолият турлари бўйича (01-варақ) | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Савдо — 1 (ас. фаолият.) | | | Иш. чиқ. — 2 | Лот. т. қ. — 3 | Брокер. — 4 | 5 | 6 |
| Ягона солиқ тўлови суммасини камайтирадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси (120-сатр, бироқ 110-сатр x 50 фоиздан кўп эмас) | 130 | 1201,6 | x | x | x | x | x | x | x | x |
| Бюджетга тўланадиган ягона солиқ тўлови суммаси (110-сатр – 130-сатр) | 140 | 1201,5 | x | x | x | x | x | x | x | x |
| Аввалги давр учун ҳисоб-китоб бўйича ягона солиқ тўловининг ҳисобланган суммаси | 150 | | x | x | x | x | x | x | x | x |
| Қўшимча тўлашга | 160 | | x | x | x | x | x | x | x | x |
| Камайтиришга | 170 | | x | x | x | x | x | x | x | x |
| Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракатини ривожлантириш жамғармасига ўтказиладиган ягона солиқ тўлови суммаси (150-сатр x 5%) | 180 | 0 | x | x | x | x | x | x | x | x |

Изоҳ:

1. 0102-сатр пластик карточкалар қўллаб хизмат кўрсатадиган хизмат соҳасидаги корхоналар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан тўлдирилади.

2. 060-сатр корхона бўйича тўлдирилади, корхона 06-варақнинг 100 — 140-сатрларда назарда тутилган чегирмалар белгиланган фаолият турлари билан шуғулланган ҳоллар бундан мустасно.

3. 080-сатрда амалга оширилаётган фаолият турига қараб ягона солиқ тўлови ставкаси кўрсатилади.

4. Агар корхона белгиланган ставкани экспорт улушига боғлиқ ҳолда тузатмаса, у ҳолда 090-сатрда 080-сатрдаги белгиланган ставка кўрсатилади.

5. Қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган юридик шахслар 120 ва 130-сатрларга «0» қўядилар.

6. 180-сатр Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракатини ривожлантириш жамғармаси маҳаллий бўлимлари билан ўзаро қўллаб-қувватлаш тўғрисида шартномалар тузган солиқ тўловчилар (ушбу Низом 5-бандининг «б» кичик бандида кўрсатилганлар бундан мустасно) томонидан тўлдирилади.

Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобига
1-ИЛОВА

СТИР | 2 | 0 | 0 | 2 | 0 | 3 | 0 | 4 | 0 | варақ | 0 | 5 |

**Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар**

| Кўрсаткич | Сатр коди | Сумма |
|---|---|---|
| Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар — жами | 010 | 3320 |
| шу жумладан: | | |
| ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф этилган жарималар, пенялар, вақтида тўланмаган қарзлар ва хўжалик шартномалари шартларини бузганлик учун бошқа хил жазо жарималари | 020 | 800 |
| ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги фойда | 030 | 900 |
| ишлаб чиқариш ва маҳсулот (иш, хизмат)ларни реализация қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан, хизмат кўрсатувчи ва ёрдамчи хизматлардан тушумлар сифатидаги бошқа даромадлар | 040 | 20 |
| асосий воситалар ва бошқа мол-мулкни чиқиб кетишидан даромадлар | 050 | 500 |
| қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар | 060 | 300 |
| товар-моддий бойликларни қўшимча баҳолаш | 070 | 100 |
| бошқа шахслардан текинга олинган мол-мулк | 080 | 200 |
| бошқа шахслардан текинга олинган молиявий ёрдам | 090 | 500 |
| қисқа муддатли ижарадан даромадлар | 100 | 0 |
| бошқа операцион даромадлар — жами | 110 | 0 |
| шу жумладан: | 1101 | |
| | 1102 | |
| | 1103 | |
| | 1104 | |
| | 1105 | |

Изоҳ:

030-сатрда кўрсатилган даромадлар қайси даврда пайдо бўлган бўлса, ўша даврдаги солиқлар бўйича тегишли қайта ҳисоб-китобларни ўтказишни ҳисобга олган ҳолда солиққа тортилади.

Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобига
2-ИЛОВА

СТИР | 2 | 0 | 0 | 2 | 0 | 3 | 0 | 4 | 0 | варақ | 0 | 6 |

**Молиявий фаолиятдан даромадлар**

| Кўрсаткич | Сатр коди | Сумма |
|---|---|---|
| Молиявий фаолиятдан даромадлар — жами | 010 | 3000 |
| шу жумладан: | | |
| олинган роялтилар ва капитал трансферти | 020 | 0 |
| Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улуш қўшган ҳолда қатнашишдан олинган даромад, акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар ҳамда хўжалик юритувчи субъектга тегишли қимматли қоғозлар бўйича даромадлар | 030 | 2000 |
| мол-мулкни узоқ муддатли ижарага (лизингга) беришдан олинган даромадлар (маржа) | 040 | 0 |
| чет эл валютасидаги операциялар бўйича курсдаги фарқдан даромадлар | 050 | 1000 |
| қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашларни ўтказишдан даромадлар | 060 | 0 |
| молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар — жами | 070 | |
| шу жумладан: | | |
| | 0701 | |
| | 0702 | |
| | 0703 | |
| | 0704 | |
| | 0705 | |

Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобига
3-ИЛОВА

СТИР | 2 | 0 | 0 | 2 | 0 | 3 | 0 | 4 | 0 | варақ | 0 | 7 |

**Ялпи тушумдан чиқариб ташланадиган суммалар**

| Кўрсаткич | Сатр коди | Сумма |
|---|---|---|
| Ялпи тушумдан чиқариб ташланадиган суммалар — жами | 010 | 7630 |
| Давлат субсидияси | 020 | 0 |
| Давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар | 030 | 0 |
| Тўлов манбаида солиққа тортилиши лозим бўлган дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадлар | 040 | 500 |
| Дивидендлар кўринишида олинган ҳамда дивиденд тўлаган юридик шахснинг устав фондига (капиталига) йўналтирилган даромадлар | 050 | 1000 |

| Кўрсаткич | Сатр коди | Сумма |
|---|---|---|
| Ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини устав капиталини оширишга йўналтиришда акциядорлар қўшимча акцияларнинг қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тарзида олган даромадлари | 060 | 500 |
| Ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги фойда | 070 | 900 |
| Олинган грантлар | 080 | 0 |
| Кўп оборотли қайтариладиган таранинг қиймати, агар унинг қиймати товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган тушумнинг таркибига илгари киритилган бўлса | 090 | 0 |
| Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиғи | 100 | 1600 |
| Маҳаллий бюджетга ўтказилиши лозим бўлган автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари учун белгиланган юқори устамасидан ошадиган чакана ва харид нархлари ўртасидаги фарқ | 110 | 1500 |
| Белгиланган ютуқлар (совринлар) фондининг энг кам миқдори | 120 | 1600 |
| Битим суммасидан биржага ўтказиладиган воситачилик йиғими суммаси | 130 | 30 |
| Реализация қилинган товар ҳиссасида товарларни четдан олиб киришда тўланган божхона тўловлари суммаси | 140 | 0 |
| Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чегирмалар — жами | 150 | 0 |
| шу жумладан: | | |
| | 1501 | |
| | 1502 | |
| | 1503 | |
| | 1504 | |
| | 1505 | |

Изоҳ:

1. 070-сатрда кўрсатилган даромадлар қайси даврда пайдо бўлган бўлса, ўша даврдаги солиқлар бўйича тегишли қайта ҳисоб-китобларни ўтказишни ҳисобга олган ҳолда солиққа тортилади.

2. 100 ва 110-сатрлар фақат автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари томонидан тўлдирилади.

3. 120-сатр фақат лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил қилиш доирасида фаолият кўрсатадиган юридик шахслар томонидан тўлдирилади.

4. 130-сатр фақат брокерлик ташкилотлари томонидан тўлдирилади.

5. 140-сатр воситачилик (топшириқ) шартномалари бўйича воситачилик хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар томонидан тўлдирилади.

6. 1501 — 1505-сатрлар солиқ тўловчилар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тегишли бандлари ва номини кўрсатган ҳолда тўлдирилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

## 128 Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 28 мартда 1668-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 7 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–475-сонли қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 39-сон, 387-модда) 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

**Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси раиси** **Д. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 12 февраль,
01/12-18/03-сон

**Молия вазири** **Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 12 февраль,
20-сон

Давлат мулки қўмитаси ва
Молия вазирлигининг 2007 йил 12 феврал-
даги 01/12-18/03, 20-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

# Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»-ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ–335-сон (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 17-сон, 140-модда) ва «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ–475-сон (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 39-сон, 387-модда) қарорларига мувофиқ, устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатини тузиш тартибини белгилайди.

## I. Умумий қоидалар

1. Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига (кейинги ўринларда — Рўйхат) аудиторлик ташкилотларини киритиш учун аудиторлик ташкилотларинининг танлови аудиторлик фаолиятини юритиш учун лицензияга эга бўлган ва мазкур Низом билан белгиланган талабларга жавоб берувчи аудиторлик ташкилотларининг аризалари асосида амалга оширилади.

2. Танловда иштирок этиш учун талаблар танловда иштирок этадиган барча аудиторлик ташкилотлари учун ягона ҳисобланади.

3. Танловда қатнашадиган аудиторлик ташкилотлари ҳар йили 25 февралдан кечиктирмаган ҳолда Давлат мулки қўмитасига ушбу Низомнинг 13-банди талабларига мувофиқ тегишли ҳужжатларни тақдим этади.

## II. Аудиторлик ташкилотларини танлаш механизми

4. Аудиторлик ташкилотларининг ҳужжатларини кўриб чиқиш учун Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги ходимларидан иборат таркибда ишчи гуруҳи тузилади. Ишчи гуруҳнинг таркиби ва иш регламенти Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

5. Ишчи гуруҳ ҳар йили 1 мартга қадар аудиторлик ташкилотлари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади, мазкур Низом талабларига жавоб берувчи аудиторлик ташкилотларини аниқлайди ва ҳар йили Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлигининг қўшма қарори билан тасдиқланадиган Рўйхатни тузади.

6. Ҳар йили тасдиқланадиган аудиторлик ташкилотларининг рўйхати оммавий ахборот воситалари, шунингдек, Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлигининг расмий интернет-сайтларида эълон қилинади.

7. Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарнинг бошқарув органлари аудиторлик ташкилотини танлов асосида тасдиқланган Рўйхатдан танлаб оладилар.

8. Рўйхатга киритилмаган ёки Рўйхатга киритилгандан кейин мазкур Низом талабларига номувофиқ бўлган аудиторлик ташкилотлари томонидан устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда аудиторлик текширувларини ўтказишга йўл қўйилмайди.

9. Аудиторлик ташкилоти мазкур Низом талабларига номувофиқ бўлган ҳолларда аудиторлик ташкилоти номувофиқлик юзага келган пайтдан бошлаб 10 кунлик муддат ичида Давлат мулки қўмитасига уни Рўйхатдан чиқариш тўғрисида ариза тақдим этади.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлигининг мониторинги давомида аудиторлик ташкилотининг мазкур Низом талабларига номувофиқлиги аниқланган тақдирда ушбу аудиторлик ташкилоти Рўйхатдан чиқарилади ва номувофиқлик аниқланган кундан бошлаб кейинги Рўйхат тасдиқланадиган кунга қадар такроран Рўйхатга киритиш учун ҳужжатларни тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

11. Ишчи гуруҳ хулосасига кўра аудиторлик ташкилотини Рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлигининг қўшма қарори билан тасдиқланади ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

## III. Танловда иштирок этиш учун аудиторлик ташкилотларига қўйиладиган талаблар

12. Танловда иштирок этиш учун аудиторлик ташкилотига қуйиладиган талаблар бўлиб:

а) аудиторлик ташкилоти раҳбари ва аудиторларда (ариза берилган вақтда) амалда бўган аудитор малака сертификатларининг ва малака ошириш курсларини тугатганлик тўғрисидаги гувоҳномаларнинг мавжудлиги;

б) аудиторлик фаолияти соҳасида камида 2 йиллик иш тажрибасининг мавжудлиги, шу жумладан, акциядорлик жамиятларидаги текширишлар бўйича;

в) шаклланган устав капиталининг мавжудлиги;

г) штатдаги камида 2 та аудиторларда «Сертификатланган ҳисобчи-амалиётчи (CAP)» ёки «Сертификатланган халқаро профессионал ҳисобчи (CIPA)» Халқаро профессионал ҳисобчиларни сертификатлаш дастури бўйича «Молиявий ҳисоб» фанини муваффақиятли топширганлик тўғрисида гувоҳномаларнинг мавжудлиги;

д) аудиторлик ташкилотида камида 1 та қимматли қоғозлар бозори соҳасида малакага эга бўлган мутахассиснинг мавжудлиги (малака қимматли қоғозлар бозори мутахассиси сертификати мавжудлиги ёки ушбу соҳада иш тажрибасининг мавжудлиги билан тасдиқланади);

е) фуқаролик жавобгарлиги бўйича суғурта полиси мавжуд бўлиши;

ж) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 21 августдаги 76-сон буйруғи билан тасдиқланган 4-сон аудиторлик фаолиятининг Миллий стандарти «Аудиторлик ташкилотларининг ички стандартларига қўйиладиган талаблар»га (2006 йил 25 сентябрь, рўйхат рақами 1624 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 39-сон, 392-модда) мувофиқ ички стандартлар ва уларнинг иловаларини мавжудлиги ҳисобланади.

## IV. Танловда иштирок этиш учун аудиторлик ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар

13. Танловда иштирок этиш учун аудиторлик ташкилоти:

а) аудиторлик ташкилоти раҳбари ва аудиторларнинг аудитор малака сертификатларининг сертификат берган муассаса томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган нусхалари ёки малака ошириш курсларини тугатганлик тўғрисидаги гувоҳномаларининг нотариал тасдиқланган нусхалари;

б) камида 2 та аудиторнинг «Сертификатланган ҳисобчи-амалиётчи (САР)» ёки «Сертификатланган халқаро профессионал ҳисобчи (CIPA)» Халқаро профессионал ҳисобчиларни сертификатлаш дастури бўйича «Молиявий ҳисоб» фанини муваффақиятли топширганлик тўғрисида ҳужжатни мазкур ҳужжатни берган муассаса томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси ёки нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) акциядорлик жамиятларини текшириш бўйича иш тажрибасига эга эканлигини тасдиқловчи аудиторлик хулосаларининг нусхалари;

г) аудиторлик ташкилотини устав капиталининг шаклланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

д) маълумоти тўғрисидаги диплом ёки қимматли қоғозлар бозори мутахассиси малака аттестатининг нусхаси ёхуд қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги малакани тасдиқловчи меҳнат дафтарчасидан кўчирма;

е) фуқаролик жавобгарлиги бўйича суғурта полисининг нусхаси;

ж) ички стандартлар ва уларнинг иловаларини нусхаларини тақдим этади.

## V. Якуний қисм

14. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган.

***Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси в.б.*** ***Б. УЛАШОВ***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 1 март*

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2007 йил 24 мартдан 30 мартгача бўлган маълумот**

## *I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:*

1. «Элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш хуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги буйруққа ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2007 йил 1 мартдаги 54-сон буйруғи.*

***2007 йил 24 мартда 1551-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 3 апрелдан кучга киради).***

2. «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган алоҳида турдаги товарлар учун акциз солиғи тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 18 январдаги 8, 01-02/8-5-сон қарори.*

***2007 йил 26 мартда 1101-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 5 апрелдан кучга киради).***

3. «Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 23 февралдаги 24, 2007-20-сон қарори.*

***2007 йил 26 мартда 1109-7-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 5 апрелдан кучга киради).***

4. «Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2007 йил 9 мартдаги 8/5-сон қарори.*

***2007 йил 26 мартда 1648-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 5 апрелдан кучга киради).***

5. «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 6 мартдаги 28, 2007-24-сон қарори.*

***2007 йил 28 мартда 1325-5-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 7 апрелдан кучга киради).***

6. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган истеъмол товарлари-

нинг рўйхатига қўшимча киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлигининг 2007 йил 15 мартдаги 15, ЭГ-01/19-1254, 01-02/8-8, 32-сон қарори.*

***2007 йил 28 мартда 1242-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 7 апрелдан кучга киради).***

7. «Ўсимлик (пахта) ёғи учун тўланадиган акциз солиғининг бир қисмини Ёғмой ва озиқ-овқат саноати уюшмасининг махсус ҳисобварағига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 6 мартдаги 27, 2007-23-сон қарори.*

***2007 йил 28 мартда 1666-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 7 апрелдан кучга киради).***

8. «Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 28 февралдаги 26, 2007-22-сон қарори.*

***2007 йил 28 мартда 1667-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 7 апрелдан кучга киради).***

9. «Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, Молия вазирлигининг 2007 йил 12 февралдаги 01/12-18/03, 20-сон қарори.*

***2007 йил 28 мартда 1668-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 7 апрелдан кучга киради).***

## *II. Давлат реестридан чиқарилди:*

1. Консигнация шартномалари бўйича товарларни реализация қиладиган айрим корхоналарга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тушунтириш. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 654, 01.03.1999 й ).*

2. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солиқ солишнинг айрим масалалари тўғрисида тушунтириш. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 661, 04.03.1999 й.).*

3. Лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахсларнинг ялпи тушумидан ягона солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом ва 1, 2-сонли ўзгартиш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1234, 21.04.2003 й.), (рўйхат рақами 1234-1, 26.08.2005 й.), (рўйхат рақами 1234-2, 13.03.2006 й.).*

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 4 февралдаги ПФ–3205-сон Фармонига мувофиқ улгуржи савдо корхоналарига солиқ солишдаги

ўзгаришлар. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1237, 28.04.2003 й.).*

5. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ялпи даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом ва 1, 2, 3-сонли ўзгартиш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1260, 21.07.2003 й.), (рўйхат рақами 1260-1, 08.02.2005 й.), (рўйхат рақами 1260-2, 13.10.2005 й.), (рўйхат рақами 1260-3, 16.03.2006 й.).*

6. Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом ва 1-сонли ўзгартиш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1501, 02.08.2005 й.), (рўйхат рақами 1501-1, 29.04.2006 й.).*

7. Ягона солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1590, 05.07.2006 й.).*

***Адлия вазирининг 2007 йил 28 мартдаги 60-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## *III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:*

1. «Ўзбекистон Республикасида газ ва газконденсат конларини ишлаш қоидалари». *«Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.**

**Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган норматив ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.**

## *Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган норматив ҳужжат аниқланди:*

1. «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК томонидан 2003 йил 15 сентябрда 710Ш-1/390-сон билан тасдиқланган «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК Ҳарбийлаштирилган қўриқлов бошқармаси шахсий таркибининг иш вақти ва дам олиш вақтини тартибга солиш тўғрисидаги низом» ва 1999 йил 16 сентябрда НОТБ-1/404-сон билан тасдиқланган «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик компанияси ҳарбийлаштирилган қўриқлов ходимлари меҳнатини муҳофаза қилиш қоидалари».

**Давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегиш-**

**ли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган норматив ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.**